БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 174 (7621)

27 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш совет халқининг юксак ватанпарварлигини ифода этучи намойишга айланмоқда.

Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар Мурожаатга қўл қўйиш блан социалистик хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятларга эришиш учун курашмоқдалар.

Хотин-қизлар ўртасида ишлашни тобора яхшилайлик!

Ўзбек халқи совет ҳокимияти даврида катта тарихий йўлни босиб ўтди. Аёлларга тенг бўлган бу давр ичида ўзбек халқи патриархал-феодал муносабатлардан, капитализмни ҳатлаб, тўғри социализмга ўтди, мустамлака қуллиги ва ҳуқуқсизлиги ўрнига совет, ҳақиқий халқ демократияси ўрнатилди, қолоқлик ва қоронғулик ўрнига дун'ёда энг илғор, социалистик маданият барпо этилди.

Совет Ўзбекистонимизда юзлаб йирик социалистик корхоналар, минглаб колхоз ва совхозлар, жуда кўп маданият ўчоқлари бун'ёдга келтирилди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тамомила ўзгарди. Кишиларимизнинг моддий ҳаёти фаровон бўлди, маънавий-сиёсий ҳолати мустаҳкамланди, маданий савияси ўсди.

Доҳимиз Владимир Ильич Ленин айтганидек, «ягона совет ҳокимиятигина дун'ёда биринчи бўлиб буржуазиянинг хотин-қизларни эркакларга нисбатан ҳуқуқсиз қилиб қўйган ҳамма эски, бема'ни қонунларини йўқ қилди», фақат совет ҳокимияти давридагина хотин-қизлар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чин ма'нода озод бўлдилар.

«Хотин-қизларни ижтимоий ишларга.... сиёсий ҳаётга жалб этмай туриб,— деган эди В. И. Ленин,—хотин-қизларни уларни қолоқликда тутадиган уй ва қозон-товоқ шароитидан тортиб олмай туриб, ҳақиқий озодликни та'минлаш мумкин эмас, социализм уёқда турсин, ҳатто демократия ўрнатиш ҳам мумкин эмас».

Ўртоқ Сталин жамиятимизнинг ярмисини ташкил этучи, келажак авлодни тарбияловчи хотин-қизларнинг совет ҳаётидаги, жумладан колхоз қурилишидаги ниҳоятда катта ролини қайта-қайта уқириб ўтди.

Партия ва ҳукуматимиз ўз йўлбошчиларининг шу доно кўрсатмаларига амал қилиб, совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ хотин-қизлар ўртасида ишлаш масаласига алоҳида аҳамият берди, уларни социализм қурилиши ишига актив қатнаштира бошлади.

Ҳозир Ўзбекистон корхоналарида ишловчиларнинг 44,5 проценти, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг ярмидан ортиғи, 213 колхоз раиси, 1,5 минг бригада ва 40 минг звено бошлиғи хотин-қизлардир, СССР Олий Советига Ўзбекистондан сайланган депутатлар орасида 14, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида 106 хотин-қиз бор. Фан докторлари ва кандидатларидан 223 киши, врачлардан 3,5 мингдан ортиғи хотин-қизлардандир.

Ўзбек хотин-қизларидан кўзга кўринарли партия ва совет ходимлари етишиб чиқди. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети секретарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми а'золари, область, шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари орасида ўзбек хотин-қизларидан бўлиши бизнинг ифтихоримиздир.

Ўзбек хотин-қизлари бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун овоз бермоқдалар, тинчлик учун бўлган ирода ларини амалда, завод ва фабрикаларда, кенг пахта майдонларида қаҳрамонона меҳнат блан исбот қилмоқдалар.

Лекин хотин-қизлар ўртасида ишлаш масаласидаги шундай қувончли фактлар блан бирга ҳали бу соҳада камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Республикамизда хотин-қизларимиз орасида ижтимоий меҳнатга жалб этилмаганлар ҳали ҳам бор. Айниқса хотин-қизлар ўртасида сиёсий тарбия ишлари ҳали етарли даражада йўлга қўйилмаган. Жамоат ишларига тортилмаган хотин-қизлардан ба'зилари ҳалигача паранжи ёпиниб ҳам юрадилар. Бундай аҳвол кўпроқ Наманган ва Фарғона областьларида учрайди.

Айниқса Наманган область Янгиқўрғон, Чортоқ ва Чуст районларида хотин-қизлар ўртасида сиёсий-оммавий ишлар, актив хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтариш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Янгиқўрғон ва Чортоқ район партия комитетлари хотин-қизлардан янги кадрлар тарбиялаб етказиш, уларни паранжи-чачвон балосидан бутунлай озод қилиш, ишга яроқли хотин-қизларни ишга, ўзбек қизларини ўқишга тўла тортиш учун етарли тадбирлар кўрмайдилар.

Колхозчи хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, масалан ҳарбир колхозда болалар боқчалари ва ясли-ларнинг ишини намунали йўлга қўйишга тегишинча э'тибор берилмайди. Чортоқ районида 33 болалар-боқча майдончаси, 60 ясли ўрнига фақат 10 боқча-майдонча, 8 ясли ташкил этилган, холос.

Янгиқўрғон райони саноат комбинатининг директори Қосимов, Янгиқўрғон сельсосининг раиси Юсупов, Қорабоғ қишлоқ советининг раиси Мирзабоев ва бошқа ба'зи «раҳбар ходим»лар хотинларини ҳали ҳам паранжида юришга мажбур қилиб келганлар.

Чуст районида икки хотин блан туриш ҳодисалари учрайди. «Янги қурилиш» колхози раисининг ўринбосари Султон Нурматов, район қишлоқ хўжалик бўлимининг агрономи коммунист И. Ҳусаинов каби айрим кишилар ўқиб турган қизларни, ёки актив жамоатчи аёлларни иккинчи хотинликка олиб, паранжига ўраб қўйганлар. Райком секретари З. Шарипов, район ижроия комитети раиси Р. Қаюмовнинг хотинлари жамоат ҳаётидан ажралиб уйда ўтириб қолганлар.

Мана шу каби фактларга нисбатан Янгиқўрғон район партия комитети (секретари ўртоқ Дадабоев), Чортоқ район партия комитети (секретари ўртоқ Қосимов) ва Чуст район партия комитети (секретари ўртоқ Икромов) ҳамда Наманган область партия комитети (секретари ўртоқ Х. Жўраев)ларнинг бепарво бўлишлари мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир. Шуни яхши тушиниш керакки, хотин-қизларга бундай муносабатда бўлиш, уларнинг халқ хўжалиги ва маданиятимизни янада ривожлантиришда тутган ролини камситиш хотин-қизларга бой-феодалларча қараш демакдир. Бу эса, капиталзмнинг кишилар онгидаги энг ёмон сарқитларидан биридир, демак большевизмга мутлақо ёт бўлган бир нарсадир.

Хотин-қизларимизнинг саноатда, колхоз, совхоз далаларида, маданий муассасаларимизда тутган роли, айниқса республикамизда пахтачиликни ривожлантиришнинг сталинча программасини бажаришдаги роли ҳаммага ма'лум.

Партия, совет ва комсомол ташкилотларининг вазифаси хотин-қизларни кўпроқ ишлабчиқаришга, жамоат ишларига тортиш, уларнинг сиёсий активлигини ошириш, улар орасида тарбиявий ишларни кучайтиришдан иборатдир. Хотин-қизлар ўртасида сиёсий, халқаро, ҳуқуқ, илмий-оммабоп темаларда махсус лекциялар, докладлар, суҳбатлар ўтказиш, уларга газета, журнал ва китоблардан ўқиб бериш, илмий-оммабоп темаларда кино-фильмлар кўрсатиш зарурдир.

Жойларда хотин-қизлар клублари ташкил этиш, бошқа идоралар томонидан банд қилиб олинган хотин-қизлар клубларини тездан бўшатиб олиш керак. У клубларда турли оммавий-сиёсий ишларни, хотин-қизларнинг ўқишини йўлга қўйиш лозим. Бу клубларда, умуман хотин-қизлар ўртасида ишлаш учун кўпроқ уларнинг ўзларидан, илғор хотин-қизлардан жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Яқинда бўлиб ўтган область ва район партия конференцияларида хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-оммавий ишлардаги бирқанча жиддий камчиликлар та'кидланиб, амалий тадбирлар белгиланган эди. Шуни тўғридан-тўғри э'тироф қилиш керакки, айрим район ва область партия комитетлари конференциянинг қарорларини тўла амалга оширмаётирлар. Хотин-қизлар ўртасида ишлашни «кампаниячилик»ка, ба'зан ортиқча шовқин-суронларга айлантириб юбормоқдаларки, бундай аҳволга тезликда қат'ий чек қўйиш лозим.

Область ва район партия комитетлари хотин-қизлар бўлими ишини тубдан яхшилаш, бу бўлимларни малакали кадрлар блан мустаҳкамлаш, уларга ўзларининг асосий вазифалари блан шуғулланиш учун имконият бериш керак.

Хотин-қизлар ўртасида, айниқса маҳаллаларда уюшмаган хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, партия, совет ва хўжалик органларидаги хотин-қиз кадрларни авайлаб тарбиялаш, уларни дадиллик блан раҳбарлик ишларга кўтариш—партия ташкилотларининг кундалик муҳим вазифаси бўлмоғи керак.

Хотин-қизлар кун сайин кенгайиб бораётган тинчлик фронтида ва Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашда катта кучдирлар. Уларнинг актив иштирокисиз коммунизм сари тараққий этишимиз ҳам мумкин эмас. Буни ҳеч қачон унутмайлик. Хотин-қизлар орасида ишлашни тобора яхшилайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик илғорларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 17 сентябрьдаги, 1948 йил 24 апрель ва 2 июньдаги, 1949 йил 22 июньдаги Фармонларига мувофиқ, 1949 йилда **шоли, ерёнғоқ, картошкадан** ва сувли ерларда **қанд лавлаги, каноп-поя ва каноп уруғидан** юқори ҳосил олганликлари, колхозлар эса ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини ва контрактация шартларини бажарганликлари, МТС қилган ишлар учун натура ҳақини тўлаб бўлганликлари ва 1950 йил кўкламида экиш учун етарли миқдорда барча экинлар уруғини жамғариб қўйганликлари учун қуйидаги кишилар **мукофотлансин:**

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

57. **Ҳакимбеков** Усмон — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг звено бошлиғи.

58. **Хан** Гун Чир — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг звено бошлиғи.

59. **Хе** Хак Сен — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

60. **Цой** Дон Чун — Қуйичирчиқ районидаги «Авангард» колхозининг а'зоси.

61. **Цой** Тен Дек — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

62. **Чўқтибоева** Бурма — Қорасув районидаги Свердлов номли колхозининг а'зоси.

63. **Йўлдошев** Исҳоқ — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Абдукаримов** Мирзакарим — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

2. **Обидова** Сабоҳат — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

3. **Одилова** Санобар — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

4. **Ан** Гм Бон — Қуйичирчиқ районидаги «Авангард» колхозининг а'зоси.

5. **Ортиқов** Сандазиз — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

6. **Асомбоев** Керинбек — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

7. **Отабоев** Мақсудали — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

8. **Отабоева** Роби — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

9. **Отабоев** Топилди — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

10. **Бойматов** Бозорбой — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

11. **Ғозиева** Умринисо — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

12. **Давлатова** Адолат — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

13. **Деҳқонбоева** Нисобиби — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

14. **Жумабоев** Алибек — Қуйичирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг а'зоси.

15. **Жўрзев** Эминжон — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

16. **Жўраева** Салима — Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси.

17. **Дон Бон Чун** — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

18. **Иброҳимова** Мусаввар — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

19. **Исмоилова** Лутфи — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

20. **Эшимқулова** Турди — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

21. **Қорабоев** Тоқул — Қуйичирчиқ районидаги Каганович номли колхознинг а'зоси.

22. **Қосимов** Исмоил — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

23. **Қосимов** Исроил — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

24. **Ким** Ен Чер — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

25. **Ким** Ман Гим — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

26. **Ким** Чан Гир — Қуйичирчиқ районидаги «Авангард» колхозининг а'зоси.

27. **Ким** Чан Нен — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

28. **Кукаев** Сабдон — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

29. **Кушиков** Сеит — Қуйичирчиқ районидаги Каганович номли колхознинг а'зоси.

30. **Ли** Ген Сек — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

31. **Ли** Елисей — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

32. **Маматқосимов** Жўра — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

33. **Норматова** Зуҳра — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

34. **Насриддинов** Жўра — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

35. **Пирматова** Обида — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

36. **Раҳимов** Қўчқор — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

37. **Садриева** Муниса — Қорасув районидаги Свердлов номли колхознинг а'зоси.

38. **Саидхўжаева** Фарида—Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси.

39. **Саидбеков** Байр — Қуйичирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг а'зоси.

40. **Сим** Трофим — Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

41. **Тошматов** Холмат — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

42. **Тожиқосимова** Инобат — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

43. **Тўйчиев** Исмоил — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

44. **Тян** Андрей — Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

45. **Усмонов** Валижон—Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

46. **Хайитматов** Етмишбой—Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

47. **Холиқов** Деҳқон—Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

48. **Ҳасанов** Нишон—Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

49. **Ҳасанова** Тожи—Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

50. **Хегай** Ван Себ—Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

51. **Хегай** Ен Хи—Қуйичирчиқ районидаги «Новий путь» колхозининг а'зоси.

52. **Хусанов** Мирзаҳмад—Қуйичирчиқ районидаги «Авангард» колхозининг а'зоси.

53. **Цой** Ман Бок—Қорасув районидаги «8 Март» колхозининг а'зоси.

54. **Шарафиддинов** Сирожиддин — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

55. **Эгамбердиева** Гули — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

56. **Эгамбердиев** Мамасоли—Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

57. **Эгамбердиев** Тожибой — Тошкент қишлоқ районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг а'зоси.

58. **Эргашев** Қурбон—Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

59. **Эргашева** Шарофат — Қорасув районидаги Охунбобоев номли 2-нчи колхознинг а'зоси.

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 23, 25 ва 26 июль сонларида босилган.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ШВЕРНИК.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль. 1950 йил, 12 июль.

Сталинча темирйўлчилар куни шарафига

Тинчлик ўнкунлиги

19 июль Москва вақти блан соат 18 да Тошкент темир йўлида Бутун Иттифоқ темирйўлчилар куни шарафига тинчлик ўнкунлиги э'лон қилинди. Барча корхоналарда, узелларда, станция ва раз'ездларда темирйўлчиларнинг йиғилишлари ўтказилиб, янги мажбуриятлар олинди.

Тошкент темир йўлининг ходимлари ҳар куни пландан ташқари 240 вагонга юк ортиш, 22 вагондан юк тушириш, вагон оборотини нормаларини бажариш, барча бўлимларнинг график асосида бир ме'ёрда ишлашини та'минлаш учун курашмоқдалар.

Темирйўлчилар 1 августгача станцияларда барча пахталарни ташиб тамомлаш ва станцияларни янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Меҳнат совғалари

Тошкентдаги Каганович номли паровоз ва вагон ремонти заводининг коллективи сталинча Темирйўлчилар Кунини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашмоқда. Завод коллективи июль ойи ичида пландан ташқари 2 паровоз ва вагонни ремонт қилиб бериш юзасидан олган мажбуриятини бажариш учун астойдил ишлаётир.

Шу кунларда тинчлик вахтасида туриб ишлаётган қизил байроқли қозон цехининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақада олдинда бормоқда. Цех ишчилари июль ойининг 20 кунлигида графикни 120 процент бажардилар. Шу вақт ичида паровоз цехи учун «СО» сериали иккита паровоз қозони ремонт қилиб берилда. Усмон Тожихўжаев, Раҳмат Даминов, Алимуҳаммедов ўртоқлар тинчлик вахтасида туриб ишлашга қўлганларини бери, топшириқларини 250 процентга етказиб бажармоқдалар. Цехнинг 27 ишчиси ҳозирданоқ июль ойи программасини бажариб қўйди.

Темирчилик цехининг коллективи ҳам қолоқликдан чиқиб, стахановча меҳнат қилмоқда. Коллектив 19 июльгача ойлик топшириқни 91,5 процент бажарди. Темирчилар ўртасида ижодий ҳамкорлик кенг тус олмоқда. Стахановчи темирчи ўртоқ Карпов ўз ихтироси асосида ишлаб, ҳарбир паровоз дишлосини тайёрлашда 50 килограмм металлни тежамоқда. Цехнинг Зинковский, Умаров, Маҳкамов каби стахановчилари ўртоқ Карпов тажрибасидан ўрнак олиб, металл тежашда ажойиб натижаларга эришмоқдалар.

Завод коллективи сталинча Темирйўлчилар Кунини ўз мажбуриятини тўла-тўкис бажариш блан нишонлайди.

Темирйўлчиларнинг мусобақаси

Тошкент темир йўли Қўқон узелига қарашли Серово станциясининг ишчи ва хизматчилари коллективи Темирйўлчилар Кунини муносиб кутиб олиш учун Горчаково станциясининг коллективи блан мусобақалашмоқда. Станциянинг стрелкачиларидан Деҳқонбой Аҳмадқулов, Ўринбой Исматуллаев ўртоқлар ўз участкаларидаги стрелка будкаларини пухта ремонт қилдилар.

Станциянинг навбатчиларидан Васильев ва Меҳнатов ўртоқларнинг сменалари вагонларга юк ортиш ва бўштишда II квартал планини 120 процент қилиб бажардилар ва июль ойи планини 150 процент бажариш учун курашмоқдалар.

Горчаково станциясининг отоқли тарозибони Кладовщиковнинг янги методи Қўқон темир йўл бўлимида кенг қўлланилмоқда. Ўртоқ Кладовщиковнинг методи блан ишлаётган Шарипов, Раҳмонов ва Углова ўртоқлар вагонларга пахта тойларини юклашда яхши натижаларга эришдилар. Бўлимнинг тарозибонлари ойлик планидан ташқари 345 тонна пахта юклаб, 40 та вагонни тежадилар. Бу эса 115 минг сўм маблағни тежаш имкониятини берди. Тарозибонлар 1 августга қадар август ойи учун 25 вагон тежаш ва давлатнинг 70 минг сўм маблағини ижтисод қилиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг бюроси Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари саноат корхоналарининг коллективлари ўртасида шу йил 11 июньда тузилган социалистик мусобақа шартномасини муҳокама қилди ва бу ташаббусни ма'қуллаб, мажбуриятнинг бажарилишини та'минлаш юзасидан амалий тадбирлар белгилади. Стахановчилар ва саноат ходимларининг район кенгашларини ўтказиб, унда район саноатининг биринчи ярим йиллик иш якунларини ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириш масаласини муҳокама қилиш Ўзбекистон К(б)П район комитетларининг бюросига топширилди.

Шунингдек, район партия комитетларига ва барча бошланғич партия ташкилотларига ҳар иккала шаҳар саноат корхоналари коллективларининг социалистик мусобақа шартномасини муҳокама қилиш ҳамда ҳарбир корхона, цех, бригада ва айрим ишчининг ўз мажбуриятини бажаришини та'минлашга қаратилган амалий тадбирлар белгилаш топширилди.

Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг бюроси район партия комитетларига қолоқ корхоналарга кўпроқ э'тибор бериш, уларнинг раҳбарларига, партия ва касаба союз ташкилотларига корхоналарни қолоқликдан чиқариш ҳамда планларнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашда яқиндан ёрдам бериш зарурлигини кўрсатди.

Бюро меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига шаҳар маҳаллий саноати ва ҳунармандчилик саноатининг ишини янада яхшилаш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқишни, шаҳар ва район Советларининг навбатдаги сессиясида маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик саноатининг иши ҳақидаги масалани муҳокама қилишни топширди.

Шаҳар ва район комсомол комитетларига Тошкент ва Чирчиқ саноат корхоналари ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномасини бажаришда шаҳар комсомол ташкилотларининг актив иштирокини та'минлаш, бу масала юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқиш таклиф этилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси социалистик мусобақанинг натижасини ҳарбир корхонада ой сайин якунлаб, энг яхши кўрсаткичларга эришган корхонага Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг кўчма қизил байроғини топширишга қарор қилди.

Бюро корхона раҳбарларига корхонанинг ўзида кўчма қизил байроқлар та'сис этиш ва мусобақадош корхоналарга махсус бригадалар юбориб, мунтазам суратда ўзаро текшириш ўтказиб туришни тавсия этди.

К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬС АСАРЛАРИ ЛАТИШ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

РИГА, 25 июль. (ТАСС). К. Маркс ва Ф. Энгельс танланган асарларининг биринчи томи нашр этилди. Томдаги кўп асарлар латиш тилига биринчи марта таржима қилиниб, нашр этилгандир.

Бу томни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс —Энгельс—Ленин Институтининг филиали — Латвия К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти таржима қилган.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ТОМИ ЛИТВА ТИЛИДА

ВИЛЬНЮС, 25 июль. (ТАСС). Литва ССР давлат сиёсий ва илмий адабиёт нашриёти В. И. Ленин Асарларининг биринчи томини литва тилида нашр этди.

Бу томни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс—Энгельс—Ленин институтининг Литва филиали таржима қилган.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Рашид ХЎЖАМОВ
Самарқанд область, Норпой районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи.

Мусота МАМАТҚУЛОВ
Самарқанд область, Ургут районидаги «Деҳқон» колхозининг звено бошлиғи.

Очил АБДИЕВ
Самарқанд область, Норпой районидаги «Юлдуз» колхозининг звено бошлиғи.

Салим ҚАЮМОВ
Самарқанд область, Норпой районидаги Охунбобоев номли колхознинг звено бошлиғи.

Совет халқи ўзининг фидокорона меҳнати блан тинчлик ишига катта ҳисса қўшмоқда

Стахановча меҳнатимиз—тинчлик ишига қўшган муносиб ҳиссамиздир

Тошкентдаги Ильич номли заводнинг ишчилари, хизматчилари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Стокгольм Мурожаатини бирдамлик блан ма'қулладилар. Завод ишчилари шу муносабат блан бўлган митингларда ва йиғилишларда бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун курашга доим тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Механика цехининг токари стахановчи ўртоқ Косаковский бундай деди:

— Атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Стокгольм Мурожаати бутун дун'ёда тинчлик учун кураш олиб бораётган миллионларча кишиларнинг бутун фикр ва мақсадини ифода этгандир. Инглиз-америка империалистлари янги уруш бошлашга уриниб, турли иғволар юргизмоқдалар. Совет ёшлари империалистларнинг барча уринишларига қарши қаттиқ кураш олиб бормоқда. Биз бутун дун'ёда тинчлик бўлишини истаймиз. Бунинг учун ўз дастгоҳларимиз ёнида яна ҳам унумли ишлаймиз, меҳнат унумини ошириш ва кундалик топшириқларни бажариш учун курашамиз. Бизнинг стахановча меҳнатимиз—тинчлик ишига қўшган муносиб ҳиссамиздир.

Ўртоқ Косаковский ўз мажбуриятини шараф блан бажармоқда. У стахановча вахтада туриб ишлаб, кундалик топшириқни 200 процентдан ошириб адо этмоқда.

Механика цехининг слесари ўртоқ Борисенко Мурожаатга қўл қўятуриб бундай деган эди:

— Биз инглиз-америка империалистларининг Қуриядаги агрессиясига қарши, англияли-америкали уруш оловини ёқувчиларнинг барча иғволарига қарши тинчлик учун қаттиқ туриб кураш олиб борамиз. Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш учун фидокорона ишлаймиз. Шахсан мен кундалик нормамни 200 процентга етказиб бажараман.

Донгдор ишчи Борисенко шу кунларда яна ҳам ғайрат блан ишламоқда. У кундалик топшириқни 200 ўрнига 250 процент ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда.

Стахановчи ишчилардан Р. Ёқубова тинчлик вахтасида туриб ишламоқда. Ўртоқ Ёқубова шу кунларда кундалик топшириқни 200 процент бажараётир.

Америка империалистлари дун'ёга ҳоким бўлиш учун ҳарқандай жиноий ишларни қилишдан ҳам бош тортмаётирлар. — дейди ўртоқ Ёқубова.—лекин тинчликни, озодликни ва мустақилликни истовчи халқлар уларнинг бу ифлос мақсадларини амалга оширишга ҳечқачон йўл бермайдилар. Тинчлик тарафдорларининг кундан-кун кучайиб ва кенгайиб бораётган ҳаракати империалистларга қарши қақшатғич зарбадир.

Завод ишчилари Стокгольм Мурожаатига меҳнат унумини ошириш, социалистик давлатимизнинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш блан жавоб бермоқдалар. Заводнинг цехлари ва ишчилари ўртасида социалистик мусобақа янада кучайтириб юборилди. Заводнинг Чеботарев, Йўлдошев, Дадаматов, Нилюбова сингари стахановчилари кундалик топшириқларини 200—250 процентга етказиб бажармоқдалар. Тинчлик вахтасида туриб ишлаётган ишчилар орасида механика цехининг коллективи олдинда бормоқда. Бу цех ишчилари заводнинг кўчма қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келадилар. Ишчиларнинг фидокорона меҳнати натижасида завод ярим йиллик программани 128,8 процент бажарди.

Ильич заводининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва социалистик Ватанимизнинг қудратини янада ошириш учун яна ҳам зўр ғайрат ва ташаббус блан ишламоқдалар.

Х. БАҲОДИРШАЕВА.

Тошкент область, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз а'золари Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйдилар. **Суратда:** колхозчи **Т. Ҳакимов** Мурожаатга қўл қўймоқда.

Р. Кўчқор фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тинчлик имзолари

(Мухбирларимизнинг хатларига обзор)

Республикамизнинг ҳамма ерида Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига имзо тўплаш қизғин давом этмоқда. Меҳнаткашлар СССР Олий Советн Сессиясининг бу Мурожаат ҳақидаги Баёнотини якдиллик блан ма'қулладилар ва Мурожаатга имзо тўплаш блан, бутун кучларини тинч тараққиёт учун курашга сафарбар этажакларини изҳор қилмоқдалар. Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хабарлар келаётир.

Мухбир **Н. Пирмуҳаммедов** Китоб районидаги консерва заводи, виню заводи, узумчилик совхози, ҳунармандчилик артеллари ва бошқа муассасаларда Стокгольм Мурожаатига имзо тўплашга бағишланган йиғилишлар мустаҳкам тинчлик учун кураш шиори остида ўтганини ёзади.

Виню заводи ишчиларининг йиғилишида сўзга чиққан Бондаренко, Тойлоқов ўртоқлар, ишчиларнинг фикрини ифодалаб, шундай дедилар:

— Уруш оловини ёқувчилар Совет Иттифоқи—халқаро тинчликнинг посбони эканлигини асли унутмасинлар. Империалистлар ўзларининг қабиҳ ниятларига ҳечқачон етаолмайдилар!

Завод ишчилари Мурожаатга якдиллик блан қўл қўйиб, давлат топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун янада яхшироқ ишлашга ва'да бердилар.

Мухбир **О. Отахонов** хабар беради: Қўқон шаҳрида ота-оналар ва ёшларнинг бўлиб ўтган йиғилишида меҳнаткашлар сталинча ташқи сиёсатимизни якдиллик блан ма'қуллаб сўзладилар. Ота-оналар уруш оловини ёқувчилар халқнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлишлигини, тинчлик тарафдорлари эса тантана қилажакларини айтиб, Мурожаатга аҳиллик блан қўл қўйдилар.

Наманган районининг меҳнаткашлари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатига қўл қўйиш блан, Ватанимиз қудратини тинмай ошириш учун зўр бериб ишлажакларини айтдилар. Мухбир **Т. Мамажонова** Чуқуркўча даҳасидаги Ленин номли колхоз а'золарининг йиғилиши ана шундай баланд руҳ блан ўтганини ёзади.

— Биз пахта ҳосилини қанча оширсак, Ватанимизнинг қудрати шунча мустаҳкамланади, бу англия-америкали агрессорларга қарши қақшатғич зарбамиз бўлади,—деди бригада бошлиғи ўртоқ Каюмбой Тошбоев.

Колхозчилар унинг сўзини қизғин ма'қуллаб, ғўза парваришини янада кучайтириш блан, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни яна 5 центнердан оширишга қарор бердилар.

Мухбир **Ю. Баҳодировнинг** ёзишича, Паркент районида Стокгольм Мурожаатига қўл қўювчилар сони кундан-кун кўпаймоқда.

Бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида стахановчилардан Султонов ва Бичков ўртоқлар америкали империалистлар янги урушга тайёрланаётганларини, аммо сулҳпарвар халқлар урушга асло йўл қўймасликларини айтиб, меҳнаткашларни тинчликнинг стахановча вахтасида туриб ишлашга чақирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари уларнинг сўзларини қизғин ма'қуллаб, Мурожаатга якдиллик блан қўл қўйдилар.

Мухбир **Ш. Шодиев** Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги маҳаллаларнинг меҳнаткашлари Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўшилаётганларини билдиради.

«Эркин», «Ғайрат» ва «Қурилиш» маҳаллалари меҳнаткашларининг йиғилишига мингдан ортиқ киши қатнашган. Йиғилишда Муҳаммад ота Исматов бундай деди:

— Тинчликнинг улуғ посбони ўртоқ Сталин узоқ ва узоқ йиллар омон бўлсин. Улуғ Сталин Ватан уруши йилларида халқларни қуллик хавфидан халос қилди. Адолатли кишилар доимо ғолибдирлар, адолатсиз кишилар мағлубиятга учрайдилар. Адолат учун, тинчлик учун бутун кучингизни сафарбар қилинг, болаларим!

Йиғилиш қатнашчилари Муҳаммад отанинг бу сўзларини қизғин ма'қулладилар.

Мухбир **А. Убайдуллаев** хабар беради: Чиноз район, Кўтарма қишлоқ советидаги Каганович номли колхоз а'золарининг Стокгольм Мурожаатига имзо қўйишга бағишланган йиғилиши «Биз тинчлик тарафдоримиз!», «Уолл-стритли жаноблар, Қуриядан қўлингни торт!», «Атом қуроли тақиқлансин», «Яшасин бутун дун'ёда тинчлик посбони—Совет Иттифоқи!» деган шиорлар остида ўтди. Колхоз мироби Сафар Жумабоев сўзлаб: мен тинч ва қувноқ ҳаётимиз учун, бахт-саодатимиз учун ва улуғ Сталиннинг кўп йиллар омон бўлишини тилаб овоз бераман,—деди.

Йиғилишдан кейин колхозчилар янада ғайрат блан ишга киришдилар.

Мухбир **Л. Маҳмудов** Фарғона Давлат педагогика институтининг студентлари, ишчи ва хизматчиларининг Мурожаатга қўл қўйишга бағишланган йиғилиши баланд руҳ блан ўтганини, студентлар сталинча доно ташқи сиёсатни табриклаб, Мурожаатга бирдамлик блан имзо чекканларини, улар уруш оловини ёқувчиларнинг дўқига жавобан, совет фанини янада қунт блан ўрганишга сўз берганларини ёзади.

Мухбир **Б. Ражабов** ва **Т. Абдуллаев** ўртоқлар Қорасув районидаги «XVIII Партс'езд» колхоз а'золарининг қуйидаги қарори ҳақида хабар берадилар:

— Сталинча тинчлик сиёсатини жондилимиз блан қўллаб-қувватлаймиз, улуғ Сталин бошчилик қилаётган Совет давлатининг қудратини ҳартарафлама мустаҳкамлаймиз. Уруш оловини ёқувчи англия-америка империалистларининг дўқига жавобан, меҳнат фронтида жонбозлик блан ишлаймиз ва пахта ҳосилини тинмай оширамиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта берган бўлсак, бу йил гектар бошига ҳосилни яна 10 центнердан ошириш учун кучимизни аямаймиз.

Юксал тинчлик байроғи!

Юксал юракларнинг парвози қадар,
Курранинг бошига солгин соянгни,
Башар тарихида қирғин-қон етар,
Иқбол чўққисида топгин поянгни!
Эй байроқ, юксал!
Қанотли маш'ал!

Сенинг дастагингни ушлаган қўллар
Имзо чекаётир гувоҳномангга,
Ҳайқирар диловар қизлар, ўғиллар:
— Яхшилар яшасин, нафрат ёмонга!
Юксал, эй байроқ,
Раҳнамо чироқ!

Чўксин, қалтирасин йиртқичлар, пастлар,
Дун'ё йўлларида виждон—посбон,
Ла'натга кўмилсин қондан сармастлар,
Ҳорма сулҳ байроғин кўтарган карвон!
Байроқ, ҳилпира,
Гард кўрма сра!

Дўстлар, омон бўлсин тинчлик қўшинги,
Яшасин қаламу болғаю ўроқ,
Яшасин табассум, йўқолсин йиғи,
Бўлсин одамзодга тинч айём ўртоқ!
Бор бўлсин инсон!
Соғ бўлсин виждон!

Қуёшни шапарак асти тўсолмас,
Ойни қора илон ютолгайми? —Йўқ!
Чаён сийналардан қалбни узолмас,
Калхат лочинларга етолгайми?—Йўқ!
Бор бўлсин дўстлик!
Йўқолсин пастлик!

Тинчликка армуғон ҳарбир ишимиз,
Меҳнатда гулларнинг атри, ҳусни бор,
Сўзи бир, ўзи бир иноқ кишимиз,
Сталин азмидай зафар барқарор.
Яшасин доҳи,
Эллар паноҳи!

Юксал юракларнинг парвози қадар,
Курранинг бошига солгин соянгни,
Башар тарихида қирғин-қон етар,
Иқбол чўққисида топгин поянгни!
Эй байроқ, юксал!
Қанотли маш'ал!

М. ШАЙХЗОДА.

Тинчлик вахтаси

Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводининг 1.300 дан ортиқ ишчиси стахановча тинчлик вахтасида ишлаб, ҳар куни бир ярим норма ва ундан ҳам ошириб бажармоқда. Пўлат эритувчи Василий Терехов мартен печида металлни нормадаги 7 соат ўрнига 4 соат 20 минутда эритиб бермоқда. Шу блан бирга ҳар гал эритиладиган металл миқдорини 2 тонна оширмоқда. Стахановчи ўртоқ Терехов технология жараёнига пухта риоя қилиш натижасида ёнилғини анча тежашга эришди, бир марта металл эритиш учун сарфланадиган мазут 750 килограмм камайтирилди.

Қуюв цехидаги кўп ишчилар Василий Тереховдан ўрнак олмоқдалар. Ёш қолипчилардан Шариф Шоқосимов, Иван Силкин ва Юрий Надольский ўртоқлар икки кишининг ишини бажармоқдалар. Олим Саримсоқов бошлиқ прокатчилар бригадаси смена топшириғини икки мартадан ҳам ошириб бажармоқда. Бу бригада вахта кунларида майда профильли прокат ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Илгари бундай прокат Тошкентга РСФСР металлургия заводларидан келтирилар эди.

Қозончилардан Раҳмат Даминов ва Усмон Тўлаганов ўртоқлар қозонни ремонт қилишда 32 соатга мўлжалланган ишни 16 соатда юқори сифатли қилиб бажармоқдалар. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Хотин-қизлар ўртасида ишлаш кучайтирилсин

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Наманган область мухбиридан)

Наманган область партия ташкилотлари шу йилнинг бошида бўлиб ўтган область партия конференцияси қарорларига амал қилиб, хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш соҳасида бирқанча амалий ишлар қилдилар.

Колхозларда хотин-қизлар меҳнатини тўғри уюштириш, айниқса ўзбек хотин-қизларини саноат корхоналарига ва артелларга кўплаб жалб қилиш ва ўқувчи қизларнинг мактабда ўқишни тамом қилмасдан кетиб қолиш ҳолларини тугатиш юзасидан қилинган бирқанча амалий ишлар хотин-қизларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги активлигини янада оширди.

Область хотин-қизлар клуби томонидан олиб борилаётган ишларни кўрсатиб ўтиш кифоя. Бу клуб ҳузуридаги лекторияга хотин-қизлардан кўпгина врач, ўқитувчи ва илмий ходимлар жалб этилган. Булар Наманган шаҳридаги маҳаллалар, корхоналар ва артелларда ишловчи хотин-қизлар ўртасида илмий-сиёсий мавзу'ларда лекциялар ўқиб турадилар, хонадонларда суҳбат ўтказадилар. Кейинги ойлардагина бу лекция ва суҳбатларда 20 мингдан ортиқ хотин-қиз қатнашди.

Лекин Наманган областида хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабат қолдиқларини тугатиш соҳасида олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Ба'зи район партия ташкилотларининг раҳбарлари айниқса колхозчи хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг меҳнатини тўғри уюштириш ва шу блан бирга актив хотин-қизларни дадиллик блан раҳбарлик ишларга кўтариш масалаларига тегишинча э'тибор қилмай қўйдилар.

Янгиқўрғон район партия комитетининг собиқ секретари ўртоқ Қосимов (ҳозир шу райондан ажралиб чиққан Чортоқ район партия комитетининг секретари) район партия конференциясида ҳам, шундан кейин бўлиб ўтган бирқанча кенгашлар ва слётларда ҳам хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида жуда кўп ма'қул гаплар гапирди, қарорлар чиқарилди, лекин Янгиқўрғон районида ҳали ҳам хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабат қолдиқлари ҳукм сурмоқда, ҳатто ба'зи раҳбар ходимларнинг хотинлари ҳали ҳам паранжида. Маҳаллий саноат комбинатининг директори Қосимов, Бозор комитетининг директори Дадабоев, сельпо раиси Юсупов, Қорабоғ қишлоқ советининг раиси Мирзабоев ва бошқа бирқанча раҳбар ходимларнинг оилаларида ҳали ҳам паранжили хотинлар бор. Район партия комитети мана шу аҳволдан хабардор. Лекин буларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади.

Янгиқўрғон ва Чортоқ районларида хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтариш, уларни тарбиялаш ишлари блан партия ташкилотлари етарли даражада шуғулланмаётирлар. Ўтган йил шу районларда хотин-қизлардан 2 та колхоз раиси, бир қишлоқ совети раиси, 6 бошланғич партия ташкилоти секретари бор эди. Район партия комитети мана шу оз сонли хотин-қиз кадрларни ҳам сақлаб қололмади. Ҳозир колхозларнинг раҳбарлик ишларида хотин-қизлар бундан ҳам камайиб кетди.

Колхозларда хотин-қизлар меҳнатини тўғри уюштиришда боқчалар ва яслиларнинг роли катта. Буни Чортоқ ва Янгиқўрғон район партия комитетларининг секретарьлари Қосимов ва Дадабоев ўртоқлар ҳам яхши тушунадилар. Лекин улар бу масалага жуда юзаки қарайдилар. Чортоқ районининг ба'зи бир колхозларида ҳали ҳам ясли ва боқча йўқ. Сталин номли илғор колхознинг яслисида тарбияланаётган болаларнинг сони 10—15 тадан ошмайди. Ҳолбуки, шу яслида учта хизматчи колхоздан меҳнат куни олади.

Чуст район партия комитети ҳам хотин-қизлар ўртасида ишлаш масалаларини менсимайди. Чуст шаҳрида бирқанча маҳаллий саноат корхоналари бўлишига қарамасдан, бу ерда ўзбек хотин-қизлари бармоқ блан санарлидир. Чуст районида хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиб келаётган шахслар ўз вақтида жавобгарликка тортилмайди.

«8 Март» колхозининг раиси М. Жабборов, «Янги қурилиш» колхоз раисининг ўринбосари С. Нурматов, «Октябрь 25 йиллиги» колхози а'золаридан Холиқов ва Бозоровларнинг ўз хотинларини хўрлаганликлари тўғрисидаги материаллар Чуст район прокурорида ҳаракатсиз ётипти.

Чуст районида хотин-қизларга нисбатан бундай хунук воқиаларнинг юз беришига сабаб шуки, район партия комитетининг секретари Шарипов, МТС директори Камолов, ҳатто район ижроия комитетининг раиси Қаюмовларнинг хотинлари уйда «бола боқадилар». Жамоат ишларига қатнашмайдилар. Чуст район партия комитети бу воқиалардан хабардор. Лекин улар ўз оилаларини коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига э'тиборсизлик блан қараган активларга нисбатан тегишли чора кўриш учун ҳалигача «вақт тополмайдилар».

Область, суд ва тергов органлари хотин-қизларни хўрлаш, жабрлаш, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлганларнинг жиноий ишларини дарҳол текширмайдилар. Хотин-қизларнинг хўрланишига доир ишлар ойлаб ҳаракатсиз ётади. Бу эса ба'зи бир ярамас унсурларга ўз корибадларини давом эттиришга имкон бермоқда.

Косонсой район прокурори ўртоқ Мусобоев З. Қодированинг аризасини 9 ойдан бери оқибатсиз қолдирмоқда. Бундан фойдаланиб, Қодированинг эри Юнусов хотинини икки бола блан сарсон қилиб қўйди.

Область прокурорининг терговчиси ўртоқ Иномов нафақа талаб қилиб ариза берган Содиқовани беш ой овора қилди. Шу давр ичида унинг эри Ёқубов уч боласига нафақа тўламай қочиб кетди. Бу факт «Сталин ҳақиқати» газетасида ёзилиб чиққандан кейин ҳам терговчи Иномов Ёқубовга нисбатан чора кўриш ўрнига мухбирни чақириб, сўроқ қилмоқчи бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Наманган область партия комитети хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш тўғрисида чиқарган қарорларининг бажарилиши учун қаттиқ кураш олиб бормайди. Бунга область партия комитети бюросининг 31 март ва 9 майда хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш ҳақида қабул қилган қарорларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу қарорларда хотин-қизлар орасида лекция пропагандасини кучайтириш, хотин-қиз советлари ишини яхшилаш тадбирлари белгиланган эди. Лекин бу тадбирлар бажарилмади. Ҳатто область партия комитети хотин-қиз бўлимлари учун кадрлар танлашга ҳам э'тиборсизлик блан қарамоқда. Наманган район партия комитетининг хотин-қизлар бўлимида ва бошқа бирқанча район партия комитетларида инструкторлар, бўлим мудирлари танланмаган.

Биз ўйлаймизки, Наманган область партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш соҳасида кампаниячилик ва қарорлар чиқаришдан ниҳоят амалий ишга ўтади.

С. ОТАЖОНОВ.

Ўзбекистон спартакиадасига тайёргарликни кучайтирайлик

Шу йил 6 августда Тошкент шаҳрида республика олтинчи спартакиадаси ўтказилади. Бу спартакиада Ўзбекистон физкультурачиларининг спорт соҳасида эришган муваффақиятларига, уларнинг куч ва маҳоратига кўрик бўлади.

Республика спартакиадаси олдидан қуйи коллективларда, район, шаҳар ва областьларда физкультурачиларнинг спартакиадалари ўтказилди. Бу оммавий мусобақалар колхозлар, саноат корхоналари, ўқув юртлари ва муассасалар ҳузуридаги физкультура коллективларини янада мустаҳкамлашга, янгидан кўпгина физкультура коллективлари тузишга ва меҳнаткашларни спорт ишларига кўпроқ жалб этишга хизмат қилди.

Ўзбекистон спартакиадаси олдидан ўтказилган мусобақаларда 150 мингдан ортиқ физкультурачи қатнашди. Биргина Хоразм область, Қўшкўпир районида ўтказилган оммавий мусобақаларда 31 қуйи коллектив, шу жумладан 28 колхоз физкультура коллективи иштирок этди. Кўпгина район ва область физкультура коллективлари спартакиадада яхши натижаларга эришдилар. Хоразм область, Ҳазорасп район физкультурачиларининг спартакиадасида Янгибозор қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз спортчилари биринчиликни олдилар.

Республика спартакиадасига тайёргарлик бошлангандан буён колхозларда, саноат корхоналари ва муассасаларда юзларча физкультура коллективи тузилди. Биргина Андижон областида 125 та қуйи физкультура коллективи тузилди. Булардан 57 таси колхозларда ташкил этилди. 2000 физкультурачи биринчи даражали ГТО значогига норма топширди.

Район ва шаҳар спартакиадаларида физкультурачилар спорт соҳасидаги маҳоратларини намойиш қилдилар. Андижон спортчилари область бўйича 9 та, Хоразм физкультурачилари 19 та янги рекорд қўйдилар.

Шу блан бир қаторда, район, шаҳар ва областьларда ўтказилган спартакиадалар физкультура ишлари соҳасидаги камчиликларни ҳам очиб берди. Кўпгина қуйи физкультура коллективлари ва спорт жамиятларида спорт-та'лими ишлари юксак даражада эмас. Айрим район партия, совет ва комсомол ташкилотларининг физкультура ишларига етарли раҳбарлик қилмаганликлари натижасида ба'зи жойларда спартакиадалар расмият учунгина ўтказилди. Масалан, Шовот, Оққўрғон, Калинин районларида спартакиадалар ўтказилмади. Тошкентда 341 та қуйи физкультура коллективи бор. Лекин булардан фақат 182 тасида мусобақа ўтказилди, холос. Бу аҳвол қуйи коллективларни мустаҳкамлашга етарли э'тибор берилмаётганини кўрсатади. Шунингдек, Қашқадар'ё областида ҳам мусобақалар яхши тайёргарлик кўрилмаган ҳолда ўтказилди.

Республика спартакиадасига оз вақт қолди. Бу давр ичида йўл қўйилган камчиликларни большевикча тузатиш, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, спортнинг барча турларини кенг миқ'ёсда ривожлантириш учун жамоатчи-физкультурачи кадрларни кўплаб тайёрлаш, инструкторлар ва тренерларнинг малакасини ошириш ҳамда ГТО значкистлари тайёрлашга алоҳида э'тибор бериш керак.

Ўзбекистон физкультурачиларининг спартакиадасини спорт соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олиш — республикамиз физкультурачилари ва спорт ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Тошкент область, Қорасув районидаги Куйбишев номли 3-нчи колхоз раиси Нишон Расулевнинг қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиб, жамоат мулкининг талон-торож қилинишига йўл қўйиб келаётганлиги кўрсатилган эди.

Қорасув район прокурори ўртоқ Қурбонов бу материал юзасидан текшириш ўтказилиб, унда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Текширишда аниқланган фактлар Қорасув район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинди. Жамоат мулкининг талон-торож қилинишига йўл қўйиб келганлиги учун Куйбишев номли 3-нчи колхознинг раиси Расулев ВКП(б) а'золигидан ўчирилди. Район қишлоқ хўжалик бўлимига мазкур колхознинг молиявий хўжалик ишларини тафтиш қилиш ва натижасини колхозчиларнинг умумий мажлисида муҳокама этиш топширилди.

Ватан меҳри

— Йўқ, биз етим эмасмиз. Ота-онамиз йўқлигини заррача ҳам сезмаймиз. Чунки, Ватан — онамиз, халқ—отамиз. Улуғ отамиз Сталиннинг ғамхўрлигини ҳар минутда сезиб турипмиз. Мана, боғимизга бир қаранг: кенг, салқин, мевазор, гулзор... Ётоғимизни кўринг: қатор кроватьларимизда юмшоқ тушакларимиз, болишларимиз бор. Гулдонларда гулдасталар яшнаб турибди. Электр чироқлари чарақлайди. Пионерлар хонасига киринг: ҳунаримизни, ҳушчақчақ ўйинларимизни кўрасиз. Ҳаммамиз мактабда ўқиймиз. Келажакда ҳархил касб эгалари бўлиб чиқамиз. Бугун — менинг ва яна 26 та ўртоғимнинг туғилган куни. Шу бахтли кунда меҳрибонлик кўрсатаётган ўқитувчиларимизни, бизни оталикка олган заводимиз ишчиларини, бизни ҳурматлаб боғимизга келган меҳмонларни табриклаймиз!

Мария Ҳалилова шундай гапирди.

Ясатилган столлар атрофида бирнеча юз киши ўтирипти: болалар, уларни оталикка олган заводнинг ишчилари, инженерлари, техниклари, буларнинг оилалари... Дастурхонлар устидаги қатор гулдонларда — рангба-ранг гулдасталар...

Завод раҳбарлари бирин-кетин ўринларидан туриб, туғилган куни байрам қилинаётган болаларни табриклайдилар.

Луиза Челишевани оталикка олган цехнинг бошлиғи ўртоқ Алексеев:

— Луиза! Цехимизнинг коллективи сенинг турмушингни ва ўқишингни ҳардоим кузатиб турибди, — деб сўз бошлади, Луизага қараб. — Сенинг 9-нчи синфни а'ло битириб, 10-нчи синфга ўтганингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бундан кейин ҳам 5 баҳога ўқи, биз сенинг ҳақингда ҳамиша ғамхўрлик қилиб турамиз.

Туғилган куни байрам қилинаётган болаларга бир қаранг! Рус қизи Валя Дмитриева ҳам, ўзбек қизи Ра'но Қурбонова ҳам, украин ўғли Коля Куценко ҳам, татар қизи Гулира Гибадуллина ҳам... янги ёзги кийимлар кийиб олганлар, кўзларида севинч учқунлари чақнайди!

Бахтли 27 йигит ва қиз!

Болалар уйида 100 бола тарбияланмоқда. Эрта-индин, навбати блан, қолган болаларнинг ҳам туғилган кунлари байрам қилинади. Ишчилар синфи уларга оталик қилмоқда. Ўз меҳнати блан Ватанимизнинг қудратини ошираётган азамат кишилар бу болаларнинг турмуши ва ўқиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Оталикка олган цехларнинг коллективлари ўз фарзандларига совға-саломлар: кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, китоблар... юбориптилар. Бу — меҳрибонликнинг фақат бир белгиси, холос. Бу совға-саломлар тагида ёш авлодга нисбатан поёни йўқ чуқур муҳаббат ётади. Бу муҳаббат ёш авлод ҳақидаги сталинча ғамхўрликдан, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликдан далолат беради.

Болалардан ҳарбирининг ўз тарихи бор. Кўпларининг оталари Ватан урушида немис-фашист босқинчиларга қарши қаҳрамонларча курашиб ҳалок бўлган. Кўпларининг оналарини йиртқичлар отиб ташлаган... Давлатимиз етим болаларнинг пешонасини силади. Меҳнаткаш халқ Ватан бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган ўз фарзандларининг фарзандларини, я'ни набираларини севиб тарбия қилмоқда.

Шоир Ғафур Ғулом ёзганидай:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватаning — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.

Халқнинг меҳрибончилигини бутун туғилган кунлари байрам қилинаётган болаларнинг кўзларидаги шодликдан уқиб олиш мумкин. Уларни ишчилар синфининг вакиллари табрикламоқдалар. Уларни бутун халқ блан бирга биз ҳам табриклаймиз.

Валя Казанцева! Сени табриклаймиз. Дафтарларингга бахт ҳақидаги қўшиқларни ёзиб қўйипсан. Чунки сен бахтли қизсан. Шунинг учун бахтли қизсанки, бошингда бахт қуёши порлаб турипти. Гўзал боғда яшаяпсан. Техникумда ўқияпсан. Яна бирнеча йилдан кейин педагог бўлиб чиқасан. Худди ўзинг каби болаларга та'лим берасан.

Ала Левочкина! Сени табриклаймиз. Сен эндигина 1-нчи синфда ўқияпсан. Ота-онангни ҳам эслайолмасанг керак. Сени заводнинг ишчилар комитети оталикка олган. Демак, отанг бор. Отанг Ватанни балолардан қўриқлайдиган қудратли машиналар ишлаб чиқаради. Ишчи отанг бутун мамлакатни, азиз онамиз — Ватанни, сенинг бахтингни ҳимоя қилади. Сен ҳам катта бўлиб, Ватанинг учун хизмат қиласан.

Коля Тўхтаназаров! Сени табриклаймиз. Туғилган кунингда бизга қўшиқлар айтиб бердинг. Бахтли киши қўшиқ айтади. Қўшиқ бизларга мардлик ва илҳом бағишлайди. Сенинг мард бўлишингни, улуғ Сталиннинг асл фарзанди бўлиб етишишингни тилаймиз.

Гуля Абдусаломова, Маша Кожарина, Толя Ҳабибуллин... гўзал қизлар ва азамат йигитчалар! Ҳаммангизни табриклаймиз. Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Сизлар яхши кунда туғилгансиз. Улуғ Сталин даврида яшайсиз. Ватанингиз — бахт макони!

Бу ерда музлаган
Аждар халқумли
Ваҳшат тўпларининг
Қаҳқаҳаси йўқ.
Бу ерда — одамзод
Шаклида юрган
Ла'нати девларнинг
Манфур, юқумли,
Мараз намойиши
Тополмас ҳуқуқ!

Сизлар катта бўлиб бутун дун'ё халқларининг тинчлиги ва бахт-саодати учун хизмат қиласиз. Биз ҳаммамиз—улуғ ота Сталин бошчилик қилаётган кўп миллионли тинчлик армиясининг солдатларимиз. Океаннинг нариги томонидаги трумэнчи урушқоқларнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш, инсониятни қулликка солишдан иборат хомхаёлларини пучга чиқарувчи курашчилар—сиз блан биз!

Ҳозир мамлакатимиздаги жуда кўп болалар уйларида, колхозларда, корхоналарда, ўқув юртларида, хонадонларда... худди шундай шодиёна кечалар ўтказилмоқда. Бизнинг севинчимиз, қўшиқларимиз, қаҳқаҳамиз душманлар бағрига ханжар бўлиб ботажак!

☆

27 боланинг туғилган куни кечаси Тошкентдаги 12-нчи болалар уйининг катта боғида гулхан ёқилди. Бахтли ёш авлоднинг ашуласи баралла янгради:

Бахтимизга дун'ёда
Азиз Ватанимиз бор,
Улуғ доҳи Сталин
Бизга доим мададкор!

Ҳамид ҒУЛОМ.

ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

Суратда: Озарбайжон ССР, Казах районидаги Ленин номли колхоз блан Ўзбекистон ССР Самарқанд область, Пойариқ районидаги Куйбишев номли колхоз ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартномасига Ленин номли колхоз раиси ўртоқ Н. Байрамов қўл қўймоқда.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон пахта усталарининг тажрибаси асосида ишлаймиз

Қардош Ўзбекистоннинг пахта усталари Озарбайжон пахта далаларини келиб кўргандан буён бирнеча ҳафта ўтди. Ўзбекистон пахтакорлари вакилларининг Озарбайжон пахтакор районларини келиб кўриши ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин намойишига айланди.

Озарбайжон пахтакорлари, механизаторлари ва агрономларининг якдиллик блан айтишича, ўзбек пахта усталари ғўза парваришида агротехника маданиятини оширишда озарбайжонлиларга ғоят катта ёрдам кўрсатдилар.

Пахтакор районларнинг партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари колхозчиларни, механизаторларни, агрономларни, ирригаторларни ўз ишларида Ўзбекистон пахта усталарининг бой тажрибасидан тўла фойдаланишга сафарбар қилмоқдалар. Ўзбекистон илғорларининг иш методи қўлланиши блан ғўзаларнинг аҳволи анча яхшиланди, мавжуд хатолар тугатилди.

Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрининг ўринбосари М. Маҳмудов, Янгийўл районидаги Юсупов номли колхознинг раиси А. Ортиқов ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Йўлдашева ўртоқлар Озарбайжонда энг йирик пахтакор район ҳисобланган Бординск районини бориб кўрдилар. Улар ғўзаларни суғориш усули қониқарли бўлмаганлигини кўрсатдилар. Бу райондаги бирқанча колхозда ғўзалар, сув тез оқизиб суғорилмоқда. Меҳмонлар сувдан унумли фойдаланиш учун бу муҳим агротехника тадбирларини қандай амалга ошириш усулини кўрсатдилар. Ўзбекистон пахтакорларининг амалий таклифлари районнинг барча колхозида муҳокама қилинди. «Шарқ», Киров номли ва бошқа колхозларнинг далаларида ғўзаларни Ўзбекистон пахтакорларининг методи бўйича суғориш амалда кўрсатиб берилди.

Яқинда агрономлар Бординск районида ғўза парваришининг боришини текшириб кўрганларида, районнинг пахтакорлари Ўзбекистон пахта усталарининг маслаҳатларидан ўзлари учун амалий хулосалар чиқариб олганликларини кўрсатди. «Шарқ» колхозининг раиси ўртоқ Т. Иброҳимов қуйидагиларни айтди:

— Биз сувдан фойдаланиш графигини жорий қилдик. Ғўзаларни суғориш қаттиқ назорат остига олинди. Биз Ўзбекистон пахта усталарининг маслаҳати блан кечаси суғоришни, шунингдек най блан суғоришни йўлга қўйдик. Илғор иш методи дарҳол яхши натижалар берди. Биз эндиликда суғоришни ғўза парвариши блан навбатлаб олиб борамиз. Тупроқ доим юмшоқ ва нам ҳолда тутилади. Шу сабабли ғўзалар тез ўсиб. 60 — 70 сантиметр бўлиб қолди ва ҳозирдаёқ кўп ҳосил тугди. Агрономимиз И. Абдуллаев меҳмонларнинг маслаҳатларини ёзиб олди.

Оржаберди районининг пахтакорлари талай ерга чигитни эрта экдилар. Агар пахтакорлар эрта экилган ерларда ғўзаларни агротехника қоидаларига мувофиқ тўғри парвариш қилганларида, янада яхшироқ натижаларга эришиш мумкин эди. Ўзбекистон пахта усталари агрономлар пахтакорларга етарли ёрдам бермаётганликларини кўрсатдилар. Ба'зи агрономлар, шу жумладан, район пахтачилик бўлимининг бош агрономи Исмоилов уя ораларини чопиш мажбурий эмас, ғўза туплари сийрак бўлса, ғўзалар кўп кўсак тугади, деб колхозчиларни чалғитганлар.

Районда ғўза парваришини кучайтириш ва яхшилаш учун кураш ҳартарафлама кучайтириб юборилди. Ўзбекистон пахтакорларининг ғўза туплари атрофини чопиш ҳақидаги маслаҳати қабул қилинди. Шу муносабат блан Озарбайжон пахтакорлари илгариги узун дастали кичик кетман ўрнига катта кетманлар ишлатабошладилар.

Қорадонли МТСи механизаторларининг иши қаттиқ танқид қилинди. Мирбашир районидаги бирқанча колхозга хизмат қилаётган бу МТС нинг механизаторлари шартномада олган мажбуриятларни бажармаётирлар. Культивация сифатсиз (6 — 8 сантиметр чуқурликда) ўтказилмоқда. Тракторчилар меҳмонларнинг танқидидан кейин ўз ишларини яхшилашга сўз бердилар. Ҳозир культивация соатлик график бўйича ўтказилмоқда. Культивация қилинган ерлар ҳар куни трактор ва далачилик бригадаларининг бошлиқлари томонидан текшириб қабул қилинмоқда. Иш сифати анча яхшиланди.

Оқсув районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Носирова бундай деди:

— Ўзбекистон пахтакорлари бизга «ҳосилот халталари» ҳақидаги муҳим тажрибаларини сўзлаб бердилар. Ҳозир звенонинг ҳарбир а'зоси далага чиққанида, халтада кул, гўнг ва бошқа шу каби маҳаллий ўғитларни олиб келади.

Пахтакор районларда агрономлар, колхоз раҳбарлари, бригада, звено бошлиқлари ва суғорувчиларнинг кенгашлари бўлиб ўтди. Бу кенгашларда Ўзбекистон пахта усталарининг илғор иш усулларини ғўза парваришида қўллаш масаласи муҳокама қилинди. Озарбайжон пахтакорлари Ўзбекистон пахта усталарининг тажрибасидан кенг фойдаланиб, бу йил пахтадан яна юқори ҳосил етиштириш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Қардош Ўзбекистон пахтакорлари блан тузилган социалистик мусобақа улуғ Сталин томонидан пахтакорлар олдига қўйилган буюк вазифаларни бажаришга ёрдам берди.

Н. ПАНИЕВ.

Боку.

Хоразм областида ғўза парвариши сур'атини тезлатиш керак

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Хоразм область мухбиридан)

Қўшкўпир районидаги юқори ҳосилли Сталин номли колхозда июль ойигача ғўзалар уч марта культивация ва чопиқ қилиниб, маҳаллий ва минерал ўғит блан озиқлантирилди, икки бор қондириб суғорилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, 360 гектар ердаги ғўза яна икки марта парвариш қилинди. Ер шароити ва ғўзаларнинг аҳволига қараб, ғўзалар табақалаштирилган ҳолда қондириб суғорилди, ҳарбир суғориш олдидан машина орқали минерал ўғит блан озиқлантирилди.

Ҳозир колхознинг ҳамма ғўзаси беш марта культивация ва чопиқдан чиқарилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Дурдипошша Ёқубова бошлиқ звенода июльнинг тўртинчи беш кунлигида ғўзалар олтинчи парваришдан чиқарилиб, 3-нчи марта озиқлантирилди. Натижада, ғўзалар ялпи ҳосилга кириб, ҳозирданоқ ҳар тупда 8—10 тагача кўсак тугди.

Ўзбекёп қишлоқ советидаги «84-нчи полк» колхозида ҳам 5 марта культивация ва чопиқ қилиниб, қўшимча озиқлантирилган ва қондириб суғорилган ҳамма ердаги ғўзалар текис ҳосилга кирди. Колхозда ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ғўза парвариши тўхтовсиз давом эттирилмоқда.

Аммо Қўшкўпир районидаги ҳамма колхозда ҳам ғўза парвариши қониқарли олиб борилаётир, деб бўлмайди. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Ҳ. Абдуллаев, район ижроия комитетининг раиси М. Юсупов ўртоқлар) олдинги колхоз ва бригадаларни рўкач қилиб, ғўзани парвариш қилишни кейинга сураётган колхозларга яхши раҳбарлик қилмаётирлар.

Қатағон қишлоқ советидаги Калинин номли колхозда ғўзани парвариш қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Колхоз раиси ўртоқ Карим Оллаберганов нинг э'тиборсизлиги орқасида ғўзаларни культивация қилиш ва чопиш сифатсиз ўтказилмоқда. Оллаберганов, «энди ғўза ўсиб кетди» деб, трактор культивациясини тўхтатиб, унинг ўрнига омоч ишлатиб, шунингдек кетман ўрнига ўроқ ишлатиб, қирма «чопиқ» ўтказдирмоқда.

Колхознинг Ўрин Воисов, Жуманиёз Оллаберганов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 10 гектардан кўпроқ ердаги ғўза катороралари бир марта ишланганича ўт босиб ётипти. Кенагас қишлоқ советидаги «Правда», «1-нчи Май» колхозларида ҳосилга-ҳосил қўшиш уёқда турсин, ғўзани қўшимча озиқлантириш ва чопиқ қилиш тўхтатиб қўйилган.

Бундай фактларни Хонқа ва Ҳазорасп районларидаги колхозларда ҳам учратиш мумкин. Хонқа районидаги Сталин номли колхозда 310 гектар ердаги ғўзадан энди 205 гектари иккинчи марта культивация ва чопиқ қилинган. Маҳаллий ўғитлар томорқаларга солиниб, колхозда атиги 27 гектар ғўза озиқлантирилган, холос.

Колхозда меҳнат интизоми бўш. Колхоз раиси ўртоқ Султон Саидов далада ким ишлаб, ким ишламаётганлигини билмайди. Унинг колхозчилар олдида тили қисиқ. Чунки унинг хотини Т. Саидова, шунингдек ҳосилот совети раисининг хотини Р. Абдуллаева йил бошидан буён далага чиқиб ишламайди. Колхозда кўпгина бригада, звено бошлиқлари партия ва ҳукуматимизнинг июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қароридан хабарсиз. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эгамбердиев дала ишларидан ўзини четга олиб, оммавий-сиёсий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Ана шунинг орқасида графикда кўрсатилган 265 колхозчидан ҳар куни далада 130—150 киши ишлайди, холос.

Томодурғодик қишлоқ советидаги «Озод» колхозининг раиси Бектурдиев, МТСнинг шу колхоздаги агрономи Шарипов ўртоқларнинг айби блан ғўзани парвариш қилиш тўхтатиб қўйилган. Чуқур чопиқ ўрнига ўроқ блан ўтоқ қилиш орқасида ғўзани ўт босиб кетган. «Меҳнат гули», «Иттифоқ», «Қурилиш», «Давлат» колхозларида ғўзалар керагидан ортиқча суғориб ғовлатиб юборилган, суғоришдан кейин культивация, чопиқ қилинмасдан, ер қотириб юборилган. Район партия комитетининг секретарьлари Воҳидов, Отаев, район ижроия комитетининг раиси Дурумов ўртоқлар бу колхозларга тез-тез бориб турсалар-да, ғўзани ҳосилга киритиш учун қўшимча тадбирларни амалга оширишга раҳбарлик қилмаётирлар.

Ҳазорасп районидаги кўпгина колхозларда ғўзани культивация, чопиқ қилиш, суғориш ва озиқлантириш блан боғлаб олиб борилмайди. Район сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи ўртоқ Жуманиёзовнинг ўзбошимчалиги блан колхозларга сув тўғри тақсим этилмаган, суғоришга тажрибали кишилар ажратилмаган, кеча-кундуз суғориш уюштирилмаганлигидан кўпгина сув исроф қилинмоқда. «Эркин» колхозида 15 гектар, Андреев номли колхозда 20 гектар ғўза шу вақтгача бир марта ҳам суғорилмаган.

Райондаги 1-нчи ва 2-нчи МТС да 48 та насос станцияси бор. Аммо 2-нчи МТСнинг директори ўртоқ Ёқубов ғўзаларни суғоришда колхозлар блан тузган шартнома мажбуриятини бажармаётир. МТСнинг Молотов номли колхоздаги 2 та насос станцияси ҳам бекор туради. Колхознинг баланд ерларидаги ғўзалари чанқаб сарғайиб қолган, шона ва гуллари тўкилабошлаган.

Район пахтачилик бўлимининг мудири ўртоқ Абдуллаев бу аҳволдан хабардор бўлса-да, камчиликларни тугатиш, ғўза парваришини кучайтириш ҳақида қайғирмаётир. Ўртоқ Абдуллаев Карвак, Овшар қишлоқларига тез-тез боради, топшириқлар беради, сводкалар олади. Аммо ўт босган ғўзаларни ўтдан тозалаб парвариш қилиш, чанқаган ғўзаларни суғориш ва озиқлантиришга э'тибор бермайди.

Область пахтачилик бошқармасининг бошлиғи Зарипов, бош агроном Аратовский ўртоқлар ва колхоз раҳбарлари дала ишларини ўтган йилги ишлар блан таққослаб: «бу йил ишимиз ёмон эмас, ғўзанинг кўриниши яхши» деб, хотиржамликка берилганликлари орқасида областьда ғўза парвариши бўшаштириб юборилган. Область раҳбарлари ўтган йилги хатоларни такрорлаб, қилинмаган ишни «қилинди» деб, чопиқ ва культивацияда кўзбўямачиликка йўл қўяётирлар. Областьда учинчи чуқур культивация ва чопиқ ҳали ҳам тўла тугалланганы йўқ.

Областьда ғўза парвариши юзасидан тузилган график бажарилмаётир. Июльнинг иккинчи беш кунлигида графикдаги 35 минг гектар ўрнига 26 минг гектар ердаги ғўза чопиқ қилинган, учинчи беш кунликда ҳам график бажарилгани йўқ. 47 минг гектар ўрнига 28 минг гектар ғўза культивация қилинган.

Бу фактлар областьда ғўзани парвариш қилишда ўтган йилги хатолар такрорланаётганлигини кўрсатади. Область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари (область партия комитетининг секретари Искандаров, область ижроия комитетининг раиси Жуманиёзов ўртоқлар) юз берган аҳволнинг олдини олиб, ғўза парваришида кескин бурилиш ясашлари керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар этиш, ўзибўларчиликка барҳам бериш, пахтачилик органларига талабчанлик блан амалий раҳбарлик қилиш, ҳамма ишга яроқли кишиларни ғўза парваришига сафарбар этиш зарур.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Қишлоқ хўжалигининг янги гигантларини яратайлик

(Мирзачўл район, Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Сойиб НАЗАРОВ блан суҳбат)

Бундан 20 — 21 йил илгари ҳозирги Молотов номли колхоз жойлашган, Юқори татар қишлоғи деб номланган қишлоққа йўли тушган киши бу ерларда қалин қамишзорларни, батқоқликларни, шўр босиб, қуёш тиғида қуриб, қовжираб ётган чўлларни, бир-биридан узоқ, энкайган, омонат кулбалар, ертўла шаклидаги бостирмаларни кўрар эди. Ўша вақтларда бу ерлардан пахта мўл ҳосили олиш ҳақида сўз очилса, бу гапдан ҳамманинг кулиши мумкин эди. Чунки бу масала «нийна блан қудуқ қазиш» каби бир ишга ўхшаб кўринарди. Дарҳақиқат, инсон қўли тегмаган, парвариш емаган ва майда деҳқон хўжаликлари сочилиб ётган бу «оч дала»да эски омоч-бўйинтуриқ блан ғўза ўстириб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш мумкин эмас эди. Бунинг учун коллектив хўжалик керак эди, чўлни машина ва трактор кучи блан ўзлаштириш, барча ерларни минерал ўғит блан кучайтириш талаб этиларди.

Улуғ Ленин — Сталин партияси, Совет ҳукумати майда деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш масаласини зўр муваффақият блан ҳал этдилар, совет деҳқончилиги мислсиз юксак даражага кўтарилди, кучли техникага эга бўлди, илғор фан ютуқлари блан бойиди. Социалистик мамлакатимизда коллектив хўжалик енгилмас кучга айланди.

Бизнинг колхозимиз 1929 йилда 23 хўжалик блан иш бошлади. Колхоз биринчи йилларда танлаб-танлаб, дуруст деб топилган 150 гектар ерга чигит экди, гектаридан 3 — 3,5 центнердан пахта олди.

Биз давлатдан йилдан-йилга кўпроқ ёрдам олдик, партия ва ҳукуматимиз бизни тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа хил машиналари блан та'минлаб турди, минерал ўғитлардан тобора кўпроқ фойдаландик, ерни янгича ишладик, ҳосилимиз йилдан-йилга ортди, хўжалигимиз ўсди. Агар колхоз тузилган 1929 йилда 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 3 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, шундан 20 йил кейин, 1949 йилда 540 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 25 центнердан пахта топширилди. Бунинг сабаби ма'лум. Улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталин 1930 йилда ёзган «Колхозчи ўртоқларга жавоб» номли мақоласида: «Эндиликда ходимлар қишлоқ ва овуллардаги колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашга жиддий э'тибор қилишлари керак. Бу иш яхши натижалар берганидан кейин «гигантлар» ўз-ўзидан пайдо бўлаберади» деган эди. Биз ўртоқ Сталин та'лим берганидек ишладик. Колхозимиз кейинги йиллар мобайнида ўсиб, кенгайиб, мустаҳкамланиб кетди, илгариги ўртача ҳосил, ўртача даромадларни босиб ўтиб, уларни ортда қолдирдик. Колхозимиз ўртоқ Сталин айтган гигант колхозларнинг бири бўлиб қолди.

Агар колхоз йирик бўлса, унинг пахта майдони катта карталардан иборат бўлса, у ерда майда-чуйда ариқларсиз, яхлит ирригация тармоқларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш жуда қулай бўлади. Йирик колхознинг майда колхозга қараганда жуда кўп афзалликлари бор. Йирик колхозда тракторлардан, қишлоқ хўжалиги машиналаридан кенг кўламда, исталганча фойдаланиш мумкин. Бундай колхозда меҳнатга қобилиятли кишиларни ҳам ҳарқанча топса бўлади. Йирик колхоз ўзига клуб, қироатхона, мактаб, колхозчилар учун янги типдаги уйлар, электрстанция, турли устахоналар, тегирмонлар, ясли, туғруқхоналар қураолади. Йирик колхоз ўзига яраша кучли раҳбарга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига ҳам эга бўлаолади.

Майда колхозда эса бу ҳолнинг тескарисини кўриш мумкин, холос. «Майда колхозларда жамоат ва маданий-маиший бинолар деярлик қурилмайди. Ҳақиқатан ҳам 15 — 20 хонадондан иборат колхозда қурилиш ишлари ҳақида гап бўлиши мумкинми, ахир? Бундай колхоз клуб, болалар яслилари, туғруқхоналар қураоладими? Бундай майда колхозларда колхозчилар учун уйлар ва бошқа зарур ишлабчиқариш ҳамда хўжалик иморатлари ҳам қурилмаган. Бу аҳволга чек қўйиш учун колхозларни йириклаштириб, яхши, обод қишлоқлар барпо қилиш, колхозчиларни ноабод, майда қишлоқлардан янги қишлоқларга кўчириш керак. Янги қишлоқларда колхозчиларнинг ҳаёти учун қулай маиший ва маданий шароит яратиб берилади» **(Н. С. Хрущев).**

Молотов номли колхозимиз ҳам кичиклик даврини ўтиб, катта, йирик колхозга айлангандан кейин, унинг пахта майдонлари кенгайди, ҳосили ортди, хўжалиги ўсди, чорваси тараққий этди, колхоз қишлоғи обод бўлди.

1948 йилда колхозимизнинг 505 гектар пахта майдони бор эди. Ўша йили планда кўрсатилган 17 центнер ўрнига, ҳар гектар ердан 22 центнердан пахта топширилди. Пахта майдони ва ҳосил 1949 йилда яна ортди. Бултур колхознинг 540 гектар пахтазори бор эди. Гектар бошига 25 центнердан пахта топширилди. Ҳарбир меҳнат кунига 5 сўмдан пул, 2 килограммдан ғалла тақсимлаб берилди. Айрим колхозчилар ва звено бошлиқлари ҳарбир меҳнат кунига 17 — 18 сўмдан пул, 6 — 7 килограммдан ғалла олдилар. Шу йили колхознинг умумий даромади 3 миллион 615 минг 539 сўм бўлди. Кўриниб турриптики, колхозимиз ҳар йили асосий даромадни пахтадан қилмоқда. Пахта хўжалигимизни юксак даражага кўтармоқда.

Пахта майдонининг кенгайиб бориши ҳосилнинг йилдан-йилга кўпайиши фақат йирик колхоздагина мумкин. Бизнинг ёнимизда «Бешйиллик» деган қўшни колхоз бўлиб, 160 гектар пахтазори бор эди. Унинг ери худди бизнинг еримизга ўхшаса ҳам, ҳар йили оладиган пахта ҳосили 6 — 7 центнердан ошмас, колхоз а'золари даромад тақсимоти вақтида деярлик ҳечнарса олмас, чунки колхоз кичкина, камқувват эди. Шу колхоз 1947 йилда 40 хўжалиги, 300 минг сўм пул қарзи, 80 тонна ғалла қарзи бўлгани ҳолда бизнинг колхозимизга қўшилди. Биринчи йили бирқанча қийинчиликларга дуч келдик, аммо иккинчи йили ҳеч қандай оғирлик сезилмади. Колхозимиз йирик, одами кўп, механизациядан тўла фойдаланишга имконияти етарли бўлганидан, «Бешйиллик» колхозининг 160 гектар еридан 20 центнердан ошириб ҳосил олинди. Шу блан бирга, бу колхознинг ма'мурий-хўжалик аппаратидаги штат қисқартирилиб, 12 киши дала ишларига тортилди. Икки колхознинг бирлаштирилиши пахта ҳосилининг ошишини, чорванинг ўсишини, қурилиш ишларининг тезлашишини, колхозчилар ҳаётининг янада яхшиланишини та'мин этди.

Йирик колхознинг афзалликларини яна қуйидаги фактда кўриш мумкин.

Бизнинг яқинимизда Калинин номли кичкина колхоз бор. Бу колхоз бултур 120 гектар ерга чигит экди. Давлат блан тузган шартномасига кўра гектар бошига 15,1 центнердан пахта топшириши керак эди. Колхоз майда, камқувват бўлганидан, планда кўрсатилган пахтани беришга қурби етмади, гектаридан фақат 12,55 центнердангина ҳосил топшираолди. Бу кам ҳосилга яраша даромад ҳам жуда оз бўлди. Ҳарбир меҳнат кунига бир килограммдан ғалла тўғри келди. Пул эса мутлақо тақсимланмади. М. Орипов бошлиқ бизнинг биргина 1-нчи бригадамиз эса бултур гектаридан 44,2 центнердан ҳосил етиштириб, Калинин номли колхоздан кўпроқ пахта топширди. Бригада а'золари ҳар меҳнат кунига 14 сўм 40 тийиндан пул олдилар. Шу бригаданинг Пошшахон Тошболтаева бошлиқ 1-нчи звеноси 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 61 центнердан пахта топширдики, бундай катта ҳосилни Калинин номли колхознинг биронта звеносидан талаб қилиш мумкин эмас эди. Ғ. Юнусов бошлиқ 4-нчи бригадамиз ҳам Калинин номли колхоздан кўпроқ пахта топшириб келади. 15 та бригадамизнинг ҳар бири Калинин номли колхозга қараганда кўп пахта топширса топширадики, лекин биронтаси ундан орқада қолмайди.

Колхозимизда 1.330 гектар ер бор. Шундан 600 гектари пахта, 250 гектари буғдой, 320 гектари беда, 50 гектари беда уруғлик участкаси, 35 гектари шоликорлик, 50 гектари боғчачилик-полизчилик ва яна қолган қисми турли экинлардан иборат. Биз бу экинларимизни яхши парвариш қилиш учун тегишли механизация воситаларига эгамиз. Ҳарбир бригадада 2 тадан плуг, 2 тадан эгат очадиган машина, 2 тадан от, 2 тадан хўкиз, 2 тадан окучник, 1 тадан мола бор. Колхозда 4-нчи МТСнинг 5 трактори доим ишлаб туради.

Биз бу йил 600 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширамиз. Ҳозир ғўзаларимиз трактор блан 4 марта культивация, 3 марта чуқур чопиқ қилинди. Биз бу йил давлатдан 239 тонна селитра, 233 тонна суперфосфат олган эдик. Ерларимизнинг аҳволига қараб, ғўзаларимизни 2 марта озиқлантирдик. Республика пахтачилик илғорларининг VI қурултойи қарорларидан, Мирзачўл ва Сирдар'ё районлари юзцентнерчи пахтакорлари кенгашининг кўрсатмаларидан илҳомланган колхозимиз а'золари бу йил давлатга ҳар йилгидан кўпроқ пахта топшириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ғўзалар потиллаб кўсакламоқда, узлуксиз қилинаётган яхши парвариш орқасида кун сайин мевага кирмоқда. Мирзачўл ва Сирдар'ё районлари юзцентнерчи пахтакорларининг кенгашидан кейин юзцентнерчилар ҳаракатига қўшилган 1, 4, 5, 8, 14-нчи бригадаларимизнинг ғўзалари айниқса яхши ўсмоқда ва мўл ҳосил тўпламоқда.

Колхозимизнинг йирик, бақувват бўлиши янги ерлар очишимизга, пахта далаларини йил сайин кенгайтиришимизга имкон бермоқда. 1949 йилда 35 гектар янги ер очдик. Бу ернинг ҳар гектаридан 7,5 центнердан пахта топшириш юзасидан давлат блан шартнома қилдик. Ихтиёримизда кўп одам кучи, машина-тракторлар, минерал ўғит ва бошқа жуда кўп воситалар бўлганидан биз янги ерни созлаб ишладик, ғўзани кўнгилдагидек парвариш қилдик. Шунинг натижасида гектар бошига 7,5 центнер ўрнига 18 центнердан пахта топширдик. Бу йил биз яна 95 гектар янги ер очдик. Бу ерларнинг ҳар гектаридан 8 центнердан пахта топшириш ҳақида давлат блан шартнома туздик. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятларга эга бўлган колхозимиз а'золари бу янги ернинг ҳар гектаридан 20 центнерга етказиб ҳосил олишга ва'да берганлар.

Колхозимизнинг йириклиги, қудратли эканлиги меҳнат соҳасида янгидан-янги қаҳрамонларнинг, ижодчи кишиларнинг тўхтовсиз ўсишини та'мин этмоқда. Қисқа вақт ичида ўз иш техникасини эгаллаган, пахтадан мўл ҳосил етиштириш илмини ўрганган 1-нчи бригада бошлиғи Муҳаммадин Орипов, 4-нчи бригада бошлиғи Ғанишер Юнусов, звено бошлиқларидан Пошшахон Тошболтаева, ҳосилот советининг раиси Мирзааҳмад Раҳимов ўртоқлар етишиб чиқди. Ҳозир колхозимизда 85 та стахановчи колхозчи бор, булар кунлик нормани 1,5 — 2 ҳисса қилиб бажармоқдалар. 9-нчи бригаданинг 3-нчи звено бошлиғи, тажрибали сувчи Нажмиддин Раҳимов шу йилнинг 3 ойи ичида 223 меҳнат куни ишлади. Худди шу муддат ичида 1-нчи бригаданинг 2-нчи звено бошлиғи Маҳмуд Мадаминов 247 та 5-нчи бригаданинг кетманчиси, комсомол а'зоси, Намангандан кўчиб келган Абдуқаҳҳор Болтабоев 196 та, 7-нчи бригаданинг а'зоси, Қашқадар'ёдан кўчиб келган Маҳкамой Нормўминова 213 та, 4-нчи бригаданинг кетманчиси Карим Низомов 206 та, 4-нчи бригаданинг кетманчиси Омилахон Сулаймонова 192 та меҳнат куни ишладилар.

Биз колхозда бедачиликни ривожлантириш блан чорва молларини тўқ тутмоқдамиз ва пахта ерларини кучайтирмоқдамиз. Бултур бедадан юқори ҳосил олдик ва 1950 йилга 200 тонна запас тайёрладик. Бу йил 320 гектар ердаги бедадан 850 тонна ҳосил олишимиз керак эди. Ҳозир биринчи ўримдаёқ 700 тонна беда, 150 тонна пичан тайёрладик. Беда яна 4 марта ўриб олинади ва пландан ташқари 2.000 тонна беда жамғариб қўйилади. Бедачилигимиз ҳам пахтачилик каби машиналаштирилган. Колхозда 2 та ўриш, 2 та тўплаш, 4 та қиркиш машинаси бор.

Колхозимизнинг йириклиги чорвачиликни ўстиришга ҳам кенг йўл очиб бермоқда. Бу йил 210 та қорамол бўлиши керак эди, биз уни 310 бошга етказиб, планни 150 процент бажардик. Отлар сони ҳам 179 ўрнига, 200 га етди. Қўйлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу йил биз колхозда чўчқачилик фермаси ташкил этдик. Бу йил қилган ишларимиздан яна бири шуки, колхозда 1.200 товуқ ва 200 ўрдакдан иборат паррандачилик фермаси очилди.

Колхозимизнинг йил сайин топаётган катта-катта даромади туфайли, янги-янги қурилишлар кўпайиб бормоқда. 1948 йилда 15 от кучига эга бўлган кичик электр станция қуриб олган эдик. Бу йил уни 65 от кучига эга яхшигина электр станцияга айлантирдик. Колхоз идораси, барча хонадонлар Ильич чироқлари блан ёритилган. Колхоз тегирмони ҳам шу электр станциянинг қуввати блан ишлаб турипти.

Колхозимиз ўсиб, мустаҳкамланиб борган сайин янгидан-янги маданий эҳтиёжлар туғилмоқда. Бу ўринда яна Калинин номли колхозни мисолга олишга тўғри келади. «Даромадга қараб буромад» деганларидек, бу колхозда деярлик ҳечқанақа янги бино йўқ, қурилиш ишлари олиб борилмайди. Биз бўлсак бултур 500 киши сиғадиган катта клуб қуришга киришдик, бунга ҳозирча 80 минг сўм сарф қилинди, унинг кам-кўстлари учун яна 50 минг сўм кетади. Шу клуб ёнида яна янги кутубхона вужудга келтирдик. Колхознинг марказида катта, намунали универмаг қурилди. 56 минг сўм ҳаржлаб 4 хона, 10 ўринли туғруқхона, туғруқхона ходимлари учун 4 та уй, дорихона, колхоз амбулаторияси биноларини қуриб олдик. Колхозда чойхона, меҳмонхона, ошхона, нонвойхона, этикдўзлик, сартарошхона, радиоузел, телефон ишлаб турипти. Бундан ташқари, колхозда 6 та автомашина учун гараж, катта омбор, 112 ишчи от, 92 хўкиз, 80 кўчқор учун алоҳида молхона, отхоналар, ҳарбири суткасига 10 тоннадан пахта қуритадиган 5 та сушилка бор. 8 та бригадада намунали дала шийпони бўлиб, ҳарбирида патефон, «Родина» радиоприёмниклари ишлаб туради.

Колхозимиз борган сари кенгаймоқда. Агар бундан 20 йил муқаддам колхозда 23 хўжалик бўлган бўлса, ҳозир 247 хўжалик яшамоқда. Яна яқинда республиканинг турли областьларидан 46 та янги хўжалик кўчиб келди. Биз бултур янги кўчиб келган хўжаликларга 68 та янги уй қуриб берган эдик, бу йил яна уларга 64 та янги уй қуриб беришимиз керак. Биз июль ойига қадар 10 та янги уй қурилишини, 10 та эски уй ремонтини тамомладик.

Райондан колхозимизга бораберишда атрофига турли дов-дарахтлар ўтқазилган, тош ётқизилган катта йўл келади. Биз шу йўлларни қуриш, дов-дарахтлар ўтқазиш, ариқ-зовурлар қазиш учун бултурдан бери 24.457 сўм пул харажат қилдик.

Колхозимиз ёнида 29-нчи ўрта мактаб, 22-нчи болалар уйи бўлиб, унда юзлаб фарзандларимиз тарбияланмоқда. Колхозимиз қисқа вақт ичида 28 тракторчи, 4 та трактор механиги, 1 та участка агрономи, 2 та фельдшер, 1 та зоотехник ва яна ўнлаб касб эгаларини етиштирди. Шу колхознинг ўзидан етишиб чиққан тракторчилардан Н. Мирзақулов, Ғ. Шарипов, С. Ётибоев, Д. Мирзақулов ўртоқлар бу йил колхоз ерларини сифатли ҳайдадилар, улар ҳозир ғўза культивациясида ишламоқдалар. Бизнинг колхозимиздан етишиб чиққан тракторчилардан бир қисми «Зарбдор», «Қизил юлдуз», «Бирлашган» колхозларида ҳам ишламоқда. Колхозимиздан чиққан тажрибали пахтакор ўртоқ Н. Насриддинов Крупская номли 1-нчи колхозда раислик қилмоқда.

Фақат ғаллакор колхозларни эмас, пахтакор майда колхозларни ҳам бирлаштириб, уларни йириклаштириш масаласи ҳозирги куннинг энг муҳим вазифасидир. Колхозлар йирик бўлса, уларнинг ишлабчиқариш кўлами кенгаяди, механизациядан кўп, унумли фойдаланишга йўл очилади, пахта майдони кенгаяди, ҳосил ортади, даромад ошади, чорвачилик, бедачилик тараққий этади, колхозчиларнинг ҳаёти янада фаровон бўлади. Биз қишлоқ хўжалигининг шундай гигантларини яратишимиз керак.

Ёзиб олучи:

Ориф ЮНУС.

Озарбайжон пахтакорлари Қорақалпоғистон далаларида

ШОББОЗ. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон меҳнаткашлари пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун келган қардош озарбайжон халқининг вакилларини самимий кутиб олмоқдалар.

Шоббоз районида озарбайжонлилар кўп колхозларнинг пахта далаларидаги ишлар блан танишдилар. Улар Орджоникидзе номли, Каганович номли ва бошқа бирқанча колхозларнинг кўпчилик бригада ва звенолари ғўзаларни яхши парвариш қилиб, мўл ҳосил тўплаш учун фидокорона курашаётганликларини та'кидладилар. Лекин умуман район бўйича олганда ғўза парвариши кейинда қолмоқда. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш, чопиш, суғориш секин бормоқда. Карл Маркс номли колхозда ғўзаларни ёввойи ўт босган. Сувдан нотўғри фойдаланилганлиги натижасида «Қизил аскар» колхозида бирнеча гектар ерда ғўза чанқаган. Сталин номли колхознинг Қиличев бошлиқ бригадасида чопиқ сифатсиз ўтказилмоқда. «Октябрь» колхозида ғўзани чеканка қилиш вақтида агротехника қоидалари бузилмоқда, чилпиндилар ғўза тагларида қолдириб кетилмоқда.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган Басти Багирова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сурайё Керимова ва бошқалар Шоббоз пахтакорларига ғўзаларни парвариш қилиш юзасидан кўпгина қимматли маслаҳатлар бердилар ва ўз тажрибаларини ўргатдилар.

Район пахтакорларининг кенгашида 500 дан ортиқ киши қатнашди. Кенгашда Озарбайжон делегациясининг а'золари ўз таассуротларини сўзлаб бердилар.

Кенгаш Озарбайжон делегацияси а'золари кўрсатган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади. Шоббоз пахтакорлари амалий ёрдам кўрсатганликлари учун озарбайжонлиларга самимий ташаккур изҳор қилдилар.



Суратда: Фарғона область, Олтиариқ районидаги «Қизил қўшин» колхозида қурилган янги клуб биноси.
Р. Шарипов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

3 ПРОЦЕНТЛИ ЗАЁМ ТИРАЖИ ОЛДИДАН

Заём тиражини ўтказиш тартиби

30 июльда Тошкентда 3 процентли ютуқли ички давлат заёмининг 16-нчи ютуқлар тиражи бўлади. Тиражда заёмнинг ҳарбир разрядига 8.500 ютуқ, уч разрядига эса жами 13.950.600 сўмлик 25.500 ютуқ ўйналади.

Тиражни ўтказиш учун 30 кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Комиссия составида шаҳар ва республика совет ҳамда жамоат ташкилотлари, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, зиёлилар ва Совет Армиясининг вакиллари бор.

Ютуқлар тиражи автомат равишда айланадиган тўртта тираж қутиси ёрдами билан ўтказилади. Бу қутилар ичига тўрт хил билети бўлган патронлар солинади. Бу билетларда ютуқ сони ва миқдори; сериялардаги минг ва ўн мингинчи номерлар; заём сериялардаги юз, ўн ва бирлик номерлари кўрсатилади. Тўртинчи билетда облигация номерлари кўрсатилади. Ҳарбир қутига бир турдаги билетлари бўлган патронлар солинади.

3 процентли давлат заёми айрим разрядларга бўлиб чиқарилади. Ҳар разряд бир миллиард сўмдан иборат бўлади. Ҳар разряд 100.000 серияга (№ 000001 дан 100.000 гача) бўлинади, серияда икки юз сўмликдан 50 облигация (№ 01 дан 50 гача) бўлади. Бу эса ютуқ тиражини бир разрядга мўлжаллаб ўтказиш имкониятини беради, яъни бир разрядда чиққан ютуқ айни бир вақтда заёмнинг қолган ҳамма разрядларида бўлган сериялариниг тегишли номерларига ҳам чиқади.

Комиссия 8.500 ютуқни ўйнаш учун биринчи қутига 170 билет солади, бу билетлардан ҳар бирида бир сериядаги ҳамма облигацияларнинг ҳаммаси 50 номери учун 50 ютуқ белгиланади. Бошқа икки қутига заём сериялариниг номерлари ёзилган билетлар солинади, иккинчи қутига «00» дан «99» гача бўлган 100 билет солинади, бунда заём сериялардаги минг ва ўн мингинчи номерлар кўрсатилади. Учинчи қутига «000» дан «999» гача номерлари бўлган 1.000 билет солинади, булар заём сериялариДаги юз, ўн ва бирлик сонини кўрсатади.

Айни бир вақтда иккинчи ва учинчи қутилардан биттадан билет олиб, бу билетлардаги сонларни қўшганда, бир ютуқ чиққан серия номерини билиб оламиз. Масалан, иккинчи қутидан «45», учинчи қутидан «148» ёзилган билет олинди. Бу сонларни қўшиб сериянинг «45148» номери ютганлигини аниқлаймиз.

Тўртинчи қутига 01 дан 50 гача бўлган облигация номерлари ёзилган 50 билет солинади.

Қутилардаги билетли патронларни мактаб ёшидаги болалар олади.

Аввало биринчи қутидан ютуқ сони ва миқдори ёзилган билет, сўнгра иккинчи қутидан заём сериясининг минглар номери ёзилган билет, учинчи қутидан заём сериясидаги юз, ўн ва бирлар номери ёзилган билет олинади. Агар биринчи қутидан 50.000, 25.000, 10.000 ёки 5.000 сўмлик бир ютуқ ва 400 сўмликдан 49 ютуқ ёзилган билет олинса, бу ҳолда иккинчи ва учинчи қутилардан олинган билетлардан ташқари тўртинчи қутидан облигация номери ёзилган бир билет олинади, шу билан мазкур катта ютуқлардан бири қайси номерли облигацияга чиққанлиги аниқланади.

Агар биринчи қутидан «1.000 сўмлик ёки 400 сўмликдан 50 ютуқ» деб ёзилган билет олинса, бу ҳолда тўртинчи қутидан облигация номери кўрсатилган билет олинмайди, чунки ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг ҳамма 50 тасига ҳам 1.000 ёки 400 сўмликдан ютуқ чиққан бўлади.

Серия номерини белгилаш учун иккинчи ва учинчи қутилардан олинган билетлар эълон қилингандан кейин айни шу қутиларга улар қайтадан солинади. Бу, ютуқлар тиражида сериялари белгилайдиган ҳамма номерларнинг ўйинда иштирок этишини таъминлаш учун қилинади. Облигация номерларини кўрсатучи билетлар ҳам эълон қилингандан кейин, айни шу мақсадда яна қутига солинади.

Агар иккинчи ва учинчи қутидан аввалги тиражларда ёки шу тиражда ютуқ чиққан серия номерини кўрсатучи билет олинса, бу серия номери қайтадан ўйналади, яъни серия ва облигация номерини кўрсатучи билетлар қайтадан қутига солинади ва улар ўрнига янги билетлар олинади.

Ютуқ чиққан сериялар ва облигацияларнинг номерларини комиссия раиси эълон қилади, сўнгра давлат кредити ва омонат касса ишига ёрдам беруви комиссия вакилларидан бири такрорлайди. Ютуқлар комиссия аъзолари томонидан бир хилдаги учта рўйхатга, шуниндек иккита махсус карточкага ва ютуқ чиққан сериялари ҳисобга олиш дафтарига ёзилади. Белгиланган миқдордаги ютуқлар ўйналиб бўлгандан кейин комиссия мазкур ҳужжатлар бўйича рақамларни текшириб чиқади, шундан кейин ютуқларнинг расмий жадвали тузилади. Бу жадвалга комиссиянинг ҳамма аъзолари қўл қўяди. Жадвал 1 августда республика газеталарида эълон қилинади.

Тираж комиссиясининг мас'ул секретари С. ВОРОНКОВ.

Аҳоли учун лекция ва суҳбатлар

Хоразм область, Хева район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими шаҳар корхоналарида, маҳалла меҳнаткашлари ўртасида ва район колхозларида лекция, суҳбатлар ўтказиш учун лекторлар группаси ташкил қилди. Лекторлар группасига энг яхши, тажрибали ўқитувчилар, агрономлар, врачлар ва ҳуқуқшунослар жалб этилди. Ҳозир улар меҳнаткашлар ўртасида ҳар турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Лектор ўртоқ Юсуфжонов шаҳардаги ёғ заводи, пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари ўртасида «Ўзбекистон ССР нинг саноат ва қишлоқ хўжалиги» деган темада, лектор ўртоқ Маткаримов маҳаллий саноат корхоналарида, шаҳар аҳолиси ўртасида «Рўза ва унинг меҳнаткашлар соғлиги учун зарари», ўртоқ Оллоберганов Комсомол қишлоқ советидаги «Инқилоб» ва «Қизил шарқ» колхозларида «Пахтадан нималар қилинади» деган ва бошқа темаларда лекциялар ўқидилар.

Район марказидан узоқда бўлган колхозларнинг пахтакорларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида, агитмашина ташкил қилинди. Ҳозир бу агитмашина район марказидан узоқда бўлган Журян, Гулистон, Калинин қишлоқ советларидаги колхозларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Агитмашинада кўчма кутубхона ва музей экспонатлари ҳам бор.

А. БОБОЖОНОВ.

Мактаб янги ўқув йилига тайёр

Оржоникидзе районидаги Ушинский номли тўлиқсиз ўрта мактабнинг коллективи янги 1950—51 ўқув йилига тайёргарлик ишларини қизитиб юборди. Мактаб биноси, жиҳозлар ва ўқув қуроллари ўтган йилгидан 2 ой илгари сифатли қилиб ремонтдан чиқарилди. Мактаб ўқитувчиларидан 4 тасининг уйи ремонт қилиб берилди ва электрлаштирилди. Мактаб учун кўп миқдорда кўмир тайёрланди.

Мактаб малакали ўқитучилар билан тўла таъминланиб, дарслик китобларнинг ярмидан кўпи ҳозирланди. Ўқув ёшидаги болалар тўла рўйхатга олинди.

Т. МУМИН.

КОЛХОЗ БУХГАЛТЕРЛАРИ ВА ТАФТИШ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Яқинда Фарғона область, Олтиариқ район Пахтачилик бўлими пахтакор колхозларининг бухгалтерлари ва тафтиш комиссияси раисларининг бир ҳафталик семинарини ўтказди.

Семинарда «Қишлоқ хўжалик артели Устави», «Колхоз правлениесининг хўжалик-молия ишларини текшириш тартиби», «Ҳисобот-учёт ишлари» каби темаларда доклад ва суҳбатлар ўтказилди.

К. ҚАҲҲОРОВ.

Колхозда хумдон

Тошкент область, Ўртачирчиқ район, Ангор қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари ўзлари учун планли янги уйлар қурмоқдалар. Колхоз аъзоларидан Барот Сафаров, Деҳқонбой Каримовлар янги уйларга кўчиб кирдилар. Бу йил яна 40 га яқин колхозчи уй қуриб олади. Бундан ташқари, колхозда янги ҳаммом ва клуб биноси қурилади.

Қурилишларни таъминлаш мақсадида яқинда ҳар пиширишда 120 минг ғишт чиқарадиган янги хумдони қурилиб, ишга туширилди. Хумдонда алоҳида бригада ишламоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Бирлашган, сулҳпарвар демократик Германия учун!

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТЛАР ПАРТИЯСИ УЧИНЧИ С'ЕЗДИНИНГ ГЕРМАН ХАЛҚИГА МАНИФЕСТИ

БЕРЛИН, 25 июль. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'езди 24 июльдаги охирги мажлисида герман халқига қарата манифест қабул қилди. Манифестда бундай дейилади:

«Германиянинг эркак ва хотин-қизлари!

Германия ёшлари!

Кейинги жаҳон уруши оқибатларининг жароҳатлари ҳали тузалмаган, уруш орқасида ота ва оналарнинг, хотинлар ва болаларнинг чеккан азоблари ҳали йўқолмаган ва харобазорлар уруш даҳшатларини ҳали ҳам эсга тушириб турган бир пайтда империалистлар бутун дунёда яна уруш қилишга чақирмоқдалар.

Кейинги урушда ҳарбир ўқ ва ҳарбир бомбадан фойда кўрган, тўкилган қоннинг ҳарбир қатрасини пулга айлантирган қонхўр йиртқичлар ўз қийланайрангларига тинчликнинг путур етказишига рози бўлишни истамайдилар. Америкадаги йирик монополиячилар жаҳон урушида ҳарқачонгидан кўра кўпроқ фойда олдилар, улар зўр бериб қуролланишни давом этдириш ва ҳаддан ташқари кўп ҳарбий фойдалар олиш мақсадида уруш тайёргарлигини кўрмоқдалар.

Совет Армиясининг порлоқ ғалабаси ва Европадаги мазлум халқларнинг кураши натижасида қонхўр гитлерчилар фашизми тор-мор келтирилганидан кейин, доллар империалистлари Гитлернинг ворисхўри бўлдилар ва Американи дунёга ҳоким қилиш учун уруш очишга интилмоқдалар. Улар шу мақсадда зўр бериб қуролланабошладилар, улар шу мақсадда дунёнинг ҳамма қисмида ҳарбий таянч пунктлари вужудга келтирмоқдалар, улар шу мақсадда капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматларини ҳарбий битимлар тузишга мажбур этмоқдалар. Улар Узоқ Шарқда Хитойдек плацдармдан маҳрум бўлиб, эндиликда Хитойнинг Формоза оролини оккупация қилдилар, янги таянч пунктини осонлик билан қўлга киритишга беҳуда умид боғлаб Қурия халқдемократик республикасига жинояткорона ҳужум қилдилар. Аммо бутун қурия халқининг қаҳрамонона кураши қурия халқининг асорат остида қолишни истамаганлигини бутун дунёга кўрсатади.

Халқларнинг Қуриядаги америка интервенциясига қарши бошланиб кетган норозилик ҳаракати халқлар америка империализми томонидан ўзларининг эрксиз қулларга айлантирилишларига йўл қўймаслигини кўрсатади.

Америкали босмачилар ҳозирги вақтда қурия халқига нисбатан қилаётган жиноятларини эртаги кунда Германияда такрорлашни ҳоҳлайдилар. Улар ўзларининг Ғарбий Германчя мустамлакасини Европадаги агрессиялари учун плацдармга айлантириш йўлида жадал ҳаракат қилмоқдалар. Ғарбий Германияда ҳарбий инпоотлар қурилаётганлиги буни исбот этади, Ғарбий Германияни сувга ғарқ қилиш учун йўлларни, кўприкларни ва тоғларни портлатиш йўлида кўрилаётган тайёргарлик буни исбот этади, Ғарбий Германияни қуроллантириш ва Ғарбий Германия ёшларини америка монополиялари учун ёлланувчи аскар бўлишга мажбур этиш мақсадини кўзда тутган планлар буни исбот этади».

Сўнгра манифестда бундай дейилади: «Янги империалистик уруш Германияни ўлим ва ҳалокатга маҳкум этиши мумкин, холос! Герман халқининг мақсади тинч яшаб, янги ҳаёт қуришдан иборат! Аммо тинчлик ўз-ўзидан келмайди. Тинчликни курашиб қўлга киритиш керак. Тинчликни қўриқлаш керак. Ҳозирги вақтда бутун кучни сарф қилиб тинчлик учун курашмоқ керак!

Биз, немислар бу курашда алоҳида ўрин тутишимиз лозим. Кейинги жаҳон урушида икки халқнинг, яъни герман ва совет халқларининг жуда қаттиқ урушиб, ғоят кўп қурбон берганликларини эсда тутингиз. Бундан буюк тарихий сабоқ келиб чиқади. Бу тарихий сабоқни Сталин кўрсатиб берди: агар бу икки халқ қандай зўр ғайрат билан уруш олиб борганларидек тинчлик учун ҳам шундай қат'ий курашадиган бўлсалар, Европада тинчлик та'минланган бўлади!

Ана шунга мувофиқ ўз вазифамизни белгилайлик. Совет халқи тинчлик учун курашаётган кучли лагерьга бошчилик қилмоқда. Биз, немислар ҳам немис халқининг урушда кўрсатганидан ҳам зўр қат'ият ва сабот билан бутун кучларимизни сафарбар қилиб, тинчлик учун курашайлик! Биз шундай қилганимизда тарих олдидаги гуноҳимизни ювиб ташлаймиз. Европада тинчлик бўлишини та'минлаймиз!

Бутун герман халқи тинчликни та'минлаш соҳасидаги ана шу буюк вазифани бажариш учун курашмоғи керак. Шу билан бирга герман халқи ўз ватанининг бирлиги учун ҳам курашмоғи керак. Германия парчаланиб қолар экан, герман халқининг бир қисми империалистларнинг мустамлака армияси сифатида уруш машқида қолар экан, у ҳолда Германиянинг ўзи Европада тинчсизликнинг ўчоғи бўлиб қолаберади. Шу сабабдан, бирлашган демократик ва сулҳпарвар Германияни барпо қилиш Европада тинчликни та'минлаш соҳасидаги муҳим вазифадир. Демократик Германиянинг Миллий фронти шу бирлик учун курашмоқда. Германия Демократик Республикасининг тузилганлиги бу фронтнинг буюк ғалабаси бўлди. Германия Демократик Республикасининг тузилиши билан шундай Германиянинг пойдевори қурилди.

Германия Демократик Республикасида антифашист-демократик тузумнинг вужудга келтирилганлиги ўз мамлакатимизда уруш олови ёқучиларнинг, юнкерлар, монополиячилар, милитаристлар ва нацистларнинг адабини қандай бериш кераклигини ва қандай қилиб сулҳпарвар давлат тузиш мумкин эканлигини бутун герман халқига кўрсатиб бермоқда.

Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'езди биринчи бешйиллик план тўғрисида қарор қабул қилди. Бириичи бешйиллик план Германия тарихида янги давр бошланганлигини кўрсатади. Биринчи бешйиллик план Германия Демократик Республикасининг тинч даврга хизмат қиладиган экономикасини ривожлантиришга асосланади. Бу экономика ишсизлик ва кризислар бўлмайдиган ва халқ оммасининг ўз аҳволини доим яхшилаб боришини та'минлайдиган тинч хўжаликни бошқалардан қарз олмай, планли суратда ўз кучларимиз билан ривожлантириш мумкин эканлигини бутун герман халқига кўрсатади.

Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'езди Германия Демократик Республикаси ҳукуматига 1 сентябрьдан бошлаб иш ҳақини ёппасига ошириш, пенсияларни ва озиқ-овқат нормаларини оширишни таклиф этди. Шу билан бирга с'езд давлатга қарашли коммерсия савдоси магазинларида нарх-навони яна камайтиришни тавсия этди. Германия Бирлашган социалистлар партияси меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги бу тадбирларнинг ҳақиқатан амалга оширилиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилади! Шу билан партия с'езди Германия Бирлашган социалистлар партияси кенг омманинг модий аҳволини тобора яхшилаш учун тинмай ҳаракат қилаётганлигини яна бир бор исбот этади. Партия с'ездида бешйиллик план тўғрисида қарор қабул қилинди. Бешйиллик план бу йўлда янгидан катта муваффақиятларга эришишни та'мин этади.

Бешйиллик план тинч даврга хизмат қилучи хўжаликнинг бундан кейин ҳам янада тез ривожланишини та'минлайди!

Бешйиллик план барча меҳнаткашларни иш ва нон блан та'минлайди, иш ҳақини ва нафақаларни янада кўпайтиради, деҳқонларни ўз молларини сотиш бозорлари блан та'мин этади, ўрта табақаларнинг ёлчиб ҳаёт кечиришига имкон беради, ёшларнинг ўз билимларини оширишларига, фан ва сан'атнинг эркин юксалишига кенг имконият яратади.

Бешйиллик план ҳаётнинг ҳамма соҳаларини янада зўр бериб ривожлантиради.

Бу катта планнинг бажарилиши натижасида меҳнаткашлар оммасининг турмуши яхшиланади. Бу план бутун герман халқи учун буюк намунадир!

Бешйиллик план сулҳпарвар, демократик ва кучли Германияни барпо қилишга олиб боради. Халқимизнинг барча меҳнаткаш табақалари бундай Германияда фаровон ва бахтли ҳаёт кечирадилар.

Германия Демократик Республикасининг ташқи сиёсати бошқа халқлар блан тинч ҳамкорлик қилиш йўлини бутун герман халқига кўрсатиб беради. Бу ҳамкорликнинг моҳияти ярог-аслаҳа етказиб беришдан ва ҳарбий иттифоқлар тузишдан иборат бўлмай, балки ўзаро иқтисодий ва маданий ёрдам беришдан, барча халқларнинг бахт-саодати учун тинчлик ва фаровонликни вужудга келтириш мақсадида қардошларча ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

Германия Бирлашган социалистлар партияси Германия Демократик Республикасининг бу сиёсатида етакчи роль ўйнайди. Германия Бирлашган социалистлар партияси бутун Германиянинг ҳам шундай тинч тараққий этишига эришмоқ учун ҳаракат қилади. Германия Бирлашган социалистлар партияси герман халқининг илғор отряди бўлиб, бутун немис миллатининг асл манфаатларини ифода қилади. Шу сабабдан у мустаҳкам тинчлик учун ва Германиянинг бирлигини демократик асосда тиклаш учун курашни бутун ишларига асос қилиб олади.

Германия Бирлашган социалистлар партияси бу курашда антифашист-демократик иттифоқда ва демократик Германия Миллий фронтида барча демократик ва сулҳпарвар кучлар блан ҳамкорлик қилади.

Германия Бирлашган социалистлар партияси Германиядаги барча эркак, хотинлар ва ёшларни тинчлик учун, атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатга имзо тўплаш учун, Тинчлик тарафдорларининг иккинчи жаҳон конгрессига тайёргарлик кўриш учун, уруш йўлдаги ҳарқандай талабирларга тўсқинлик қилиш учун курашни давом этдириш йўлида ўзларининг ҳамма кучларини сафарбар қилишга чақиради!

Демократик Германия Миллий фронтининг бирлашган, сулҳпарвар ва демократик Германияни барпо қилиш учун, адолатли сулҳ шартномасини тузиш учун ва оккупантчи қўшинларнинг Германиядан олиб кетилиши учун олиб бораётган курашида олға қадам босайлик!

Эркаклар ва хотинлар, йигитлар ва қизлар, герман ишчилари ва деҳқонлари, ақлий меҳнат аҳллари ва ҳунармандлар, Германия Бирлашган социалистлар партияси сизларнинг ҳамжамигизга мурожаат қилиб айтадики, ғам ҳаммангизнинг эркин яшашингиз ва ишлашингизни та'минлайдиган тинчлик тўғрисида бораётир, гап герман халқимизнинг бирлиги тўғрисида бораётир. Тинчлик ва эркинлик ана шу бирликка боғлиқдир!

Гап хўжалик планини ошириб бажариш натижасида турмушни яхшилаш тўғрисида бораётир!

Ана шу улуғ курашга қўшилингиз сизлар бу курашда халқимизнинг тақдирини ва ўз тақдирингизни ҳал этасиз!».

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТЛАР ПАРТИЯСИНИНГ 3-НЧИ С'ЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН БЕРЛИНДА МИТИНГ

БЕРЛИН, 25 июль. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистлар партиясининг 3-нчи с'езди шарафига кеча кечқурун Берлинда катта митинг бўлди. Митингда пойтахтнинг юз мингларча меҳнаткашлари, с'ездда иштирок қилган вакиллар ва меҳмонлар қатнашдилар.

Митингда сўзга чиққан Хитой Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг аъзоси Ван Цзя-Сян митинг қатнашчиларини Хитой Коммунистлар партияси ва халқи номидан табриклаб, хитой халқи Германия демократик республикасининг ривожланишини зўр эътибор блан кузатиб турмоқда, деди.

Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг секретари Охаб бундай деди: Польша ишчилар синфи немис ишчиларини ўзининг биродарлари деб билади ва янги типдаги давлат бўлган Германия демократик республикасини табриклайди. Бу давлат Германия тарихида янги даврни очди. Бу давлат фашизмга қарши, империализмга қарши давлатдир. Халқ Польшасидек бу давлат ҳам социалистик Совет Иттифоқига суянди, тинчлик ва бошқа халқлар блан дўстлик йўлига қат'ий кириб олди.

Митинг қатнашчилари митингда нутқ сўзлаган Италия компартиясининг бош секретари Пальмиро Тольятгини қизғин табрикладилар. Тольятти, Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'езди немис ишчилар синфи илғор отрядининг бирлашган, мустақил, сулҳпарвар ва демократик Германияни барпо қилиш йўлидаги курашга қўшган катта ҳиссаси бўлди, деди.

Митингда Англия Коммунистлар партиясининг бош секретари Гарри Поллит ва Франция Коммунистлар партиясининг секретари Жак Дюкло нутқ сўзладилар. Ҳар иккала нотиқ, инглиз ва француз меҳнаткашлари ҳечқачон империалистлар томонида туриб Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши урушмайдилар, дедилар.

Вильгельм Пик ўз нутқида Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'ездига ўз делегацияларини юборган қардош партияларга, айниқса Бутун Иттифоқ Коммунист большевиклар партиясига ташаккур изҳор қилди. Пик митинг қатнашчиларининг қарсаклари остида ВКП(б) Марказий Комитетининг Германия Бирлашган социалистлар партияси учинчи с'ездига юборган телеграммасини ўқиб эшитдирди.

«Қуриядаги америка интервенцияси муносабати блан, — деди Пик, — Германия Бирлашган социалистлар партиясининг учинчи с'езди тинчлик учун курашни янада кучайтиришга қарор қилди. Империалистларнинг Ғарбий Германиядаги ва Ғарбий Берлиндаги ҳарбий тайёргарликларига барҳам берилиши керак. Европанинг марказида, яъни Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда америка қўшинлари, америка танклари, аэропланларни ва бошқа қуролли кучларининг бўлиши Европадаги тинчлик учун энг катта хавфдир.

Қурия халқи америкалилар Қуриядан чиқиб кетсинлар деб талаб қилганидек, Ғарбий Германия аҳолиси ҳам америкалилар дарҳол Ғарбий Германиядан чиқиб кетсинлар деб талаб қилмоқда.

Мен Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда америка қўшинларининг қолишига қарши шу митинг қатнашчиларининг ҳаммаси номидан қат'ий норозилик билдираман».

Пик ўз нутқини Германиянинг бирлиги учун курашучилар шарафига, тинчлик ва социализм учун курашдаги умумхалқ ҳамкорлиги шарафига, барча меҳнаткашларнинг гениал йўлбошчиси ўртоқ И. В. Сталин шарафига табрик сўзлари айтиб тамомлади.

Митинг тамом бўлгандан кейин меҳнаткашларнинг намойиши бўлди. Германия Бирлашган социалистлар партиясининг раҳбарлари, чет эл делегацияларининг аъзолари, шу жумладан ВКП(б) Марказий Комитети секретари М. А. Суслов бошлиқ ВКП(б) делегацияси аъзолари, с'езд вакиллари, Совет контроль комиссиясининг вакиллари турган минбар олдидан Берлин корхоналарининг ишчилари, муассасаларнинг хизматчилари, Озод немис ёшлари союзининг аъзолари, ёш пионерлар кетмакет ўтдилар.

Бу катта намойиш Германия Бирлашган социалистлар партияси немис ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг бениҳоя ишончига сазовар бўлганлигини, Германия Бирлашган социалистлар партияси тинчлик, бирлик ва демократия учун курашда немис халқининг танилган раҳбари эканлигини яққол исботлади. Шу блан бирга намойиш Германия меҳнаткашларининг улуғ Совет Иттифоқига ва бутун тараққийпарвар инсоният йўлбошчиси Иосиф Виссарионович Сталинга бўлган дўстлик ва муҳаббат ҳисларини изҳор қилди.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ДАВЛАТ АППАРАТИ ФАШИСТЛАШТИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 25 июль. (ТАСС). 24 июльда Трумэн «қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб туручи, ҳамма федерал ма'мурлар ва штат ма'мурларидан қўпоручилик ишлари», жосуслик, саботажлик ва бошқа шу каби ишлар тўғрисида федерал тергов бюросига ма'лумот топшириб туришни талаб қилди.

Америка ҳукумати тараққийпарвар характердаги барча ташкилотларга нисбатан аллақачонлардан буён «қўпоручилик ишлари блан шуғулланучи ташкилот» та'бирини ишлатиб келмоқда. Масалан, «қўпоручилик блан шуғулланучи ташкилотлар»нинг Америка Қўшма Штатлари адлия министрлиги томонидан тузилган рўйхатида ирқий камситишга қарши, тинчлик учун, демократик ҳуқуқлар учун курашаётган ташкилотлар бор.

Трумэннинг кечаги баёноти Америка Қўшма Штатларида уруш ва фашизмга қарши, тинчлик учун курашаётган тараққийпарвар ташкилотлар ва кишиларни та'қиб қилиш яна кучайганлигидан дарак беради.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 25 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлиги 25 июль эрта блан қуйидагиларни билдирди:

Халқ армияси қисмлари ҳамма фронтларда ҳужумни давом этдирмоқдалар.

Халқ армияси қисмлари Поинь (Хоон) томонида ҳужумни давом этдириб кўпгина уезд. волость марказларини ва қишлоқларни озод қилдилар ҳамда 23 июльда Поинь (Хоон) шаҳрини тамомила озод қилдилар.

Халқ армияси қисмлари Поинь шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жангларда асирлар олдилар ва ўлжалар қўлга туширдилар.

ПХЕНЬЯН, 25 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Қурия халқ-демократик республикаси, Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун ахборот эълон қилди. Бу ахборотда қуйидагилар айтилади:

Халқ армияси қисмлари барча фронтларда ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Иончжу (Эйсю) томонида ҳужум қилаётган қисмлари америка қўшинларининг қаршилигини енгиб, 24 июльда Иончжуни озод қилдилар. Ўлжалар қўлга туширилди.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎГРИСИДА АМЕРИКА ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 июль. (ТАСС). Матбуотнинг Токиодан олиб билдиришига қараганда, Қурия Халқ армияси америка қўшинларини Иондон (Эйдо)дан суриб чиқарган ва уларни чекинишга мажбур этган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг америка қўшинлари олдинги сафларда бўлган мухбирининг хабарида айтилади: қурияли ҳамма граждапларга Тэчжон (Тайден)нинг шарқи-жанубидаги уруш ҳаракатлари районларидан бошқа жойларга кўчиш буюрилди. Буйруқда айтилишича, бу районларда граждан киймида пайдо бўлган ҳарқандай киши ушланган жойида отилади.

Юнайтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири билдиради: америка 8-нчи армиясининг штаби Қуриядаги мухбирларга «қўмондонликнинг қарорларини ёки иттифоқчи қўшинлар солдатларининг жанг майдонидаги ҳатти-ҳаракатларини танқид қилишга йўл қўйилмайди» деб расмий суратда билдирди. «Ёзган хабарлари душманга фойда келтириши мумкин бўлган» мухбирларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилади.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛОНДОН, 25 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қуриядаги Макартур дала штаби ҳузурида бўлган мухбири билдиради: Қурияниинг ғарбий-жанубий қисми орқали айланиб ўтаётган Шимолий Курия қўшинлари 25 июльда америка мудофаасининг асосий районини жиддий хавф остида қолдирдилар. Шимолий Курия қўшинлари Намвонь (Нанген), Мокпхо (Моппо), Хэнам (Кайнан) деган катта шаҳарларни бирин-кетин ишғол қилдилар.

Америка қўмондонлигининг вакили Хэнам қўлдан кетганлигини билдирди.

ГОЛЛАНДИЯНИНГ ПОРТ ИШЧИЛАРИ АМЕРИКА ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРИНИ ТУШИРИШДАН БОШ ТОРТМОҚДАЛАР

ГААГА, 25 июль. (ТАСС). Амстердамда порт ишчиларининг конференцияси бўлди. Конференцияда Голландиянинг турли гаваньларидан келган вакиллар қатнашдилар.

Конференция Голландиянинг барча порт ишчиларига мурожаат қилиб, уларни тинчлик учун курашда актив қатнашишга, Голландия портларидаги америка қурол-яроғларини кемалардан туширмасликка чақирди.

Мас'ул муҳаррир Ҳ. ҒУЛОМОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 27 июльда **Алпомиш.**

«ХЕВА» — **Севимли ариялар.**

«ИСКРА» (қишки) — **3-нчи валда Цирк артистлари.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Золушка,** кечқурун **Ҳинд мақбараси** (1-нчи серия),

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Шайтон дара,** кечқурун **Виборг томони.**

«КОМСОМОЛЕЦ» (ёзги) — **Георгий Саакадзе** (1-нчи серия).

«ШАРҚ» — **Маскарад.**

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), қишки **«ИСКРА»**, ёзги **«ИСКРА»**, **«ВАТАН»**, **«НАВОИЙ»** (ёзги), **«ЎЗБЕКИСТОН»** (кундуз), **«УДАРНИК»**, кинотеатрларида — янги полак, бадиий фильми **Шайтон дара.**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК (ИРРИГАЦИЯ ВА ЕР ТУЗИШ) ТЕХНИКУМИ
ирригация, ер тузиш ва қурилиш бўлимларига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 4 йил.

Дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

1-нчи курсга 7 синф ҳажмида ма'лумотли, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади. 7 синфни битириб, а'лочи аттестати олган кишилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Аризалар 20 августгача тақдим қилиниши лозим. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Ўқиш 1 сентябрьдан бошланади.

Қабул қилинганлар стипендия, ошхона ва ётоқ блан та'минланадилар.

Техникумнинг адреси: **Самарқанд шаҳар, Рабочая кўчаси, 2-нчи уй.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 04783. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1119.